БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 207 (5198).

12 СЕНТЯБРЬ 1983 й.

ДУШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.

Баҳоси 3 тийин.

КРХП ҲУКУМАТЛАРАРО КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА

Коммуникацияни ривожлантириш халқаро программаси Ҳукуматлараро кенгашининг Тошкентда ўтаётган IV сессиясида комиссиялар ўз ишини тугатди. Кенгашга аъзо 35 давлат делегацияларн ҳамда кўпгина мамлакатлар ва халқаро ташкилотлардан келган кузатувчилар сессияга тақдим этилган регионал ва миллий лойиҳаларни муҳокама қилдилар ва маъқулладилар. Бу лойиҳаларда Осиё, Африка, Лотин Америкаси мамлакатларида коммуникация воситаларини ривожлантириш, информация хизматларини такомиллаштириш, малакали кадрлар тайёрлаш кўзда тутилган.

КРХП фаолиятини пул билан таъминлаш ҳамда кенгашнинг бундан аввалги сессияларида ишлаб чиқилган ва олинаётган талабларга баҳо бериш мезонларини назарда тутиб, мавжуд воситалардан энг маъқул тарзда фойдаланиш масалалари муҳокамаси чоғида мунозаралар қизғин тус олди.

Сессия қатнашчилари мажлислар ўртасидаги ғанафусларда Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишмоқдалар, театрлар, концерт залларига бормоқдалар, ҳамкасблари билан учрашмоқдалар. Улар Тошкентнинг 2000 йиллигига бағишланган кўркам бадиий-спорт байрамида ҳозир бўлдилар. (ЎзТАГ).

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросида

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг навбатдаги мажлисида Уренгой — Помари — Ужгород газ қувури муддатидан илгари белгиланган қувватда ишга туширилганлиги тўғрисида СССР Нефть ва газ саноати корхоналари қурилиши министрлиги ва СССР Газ саноати министрлигининг ахборотини кўриб чиқди. Жаҳон практикасида ноёб бўлган ана шу инженерлик-техника иншоотининг тасдиқланган муддатдан олти ой олдин топширилиши иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан катта аҳамиятга эга ва минг-минглаб меҳнат коллективларининг ажойиб ғалабаси бўлиб, уларнинг партия XXVI съездининг ёқилғи-энергетика комплексини янада ривожлантириш, Совет Иттифоқининг энергетика программасини бажариш ҳақидаги қарорларини амалга оширишга қўшган конкрет ҳиссасидир.

Шундан кейин КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси социалистик мусобақага якун ясаш ва унинг ғолибларини рағбатлантириш практикасини такомиллаштириш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик органлари бу соҳада анча иш қилмоқдалар, омманинг ижодий ташаббусини ривожлантиришга, мусобақани кенг авж олдиришга актив ёрдам бермоқдалар.

Шу билан бирга меҳнаткашларни барча кўрсаткичлар юзасидан план ва мажбуриятларни бажаришга сафарбар қилиш учун социалистик мусобақанинг катта имкониятларидан ҳали тўлиқ фойдаланилмаётир. Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, меҳнатни ташкил этиш ҳамда рағбатлантиришнинг бригада формасини ёйиш билан боғланган янги талаблар ва шарт-шароитлар ҳамма жойда ҳам ҳисобга олинмоқда, деб бўлмайди. Куч-ғайратларини тўла сарфлаб меҳнат қилмай, ўртача натижалар билан қаноатланиб қолаётган коллективлар ва ходимлар кўпинча мусобақа ташкилотчиларининг диққат-эътиборидан четда қолмоқда. Мусобақа якунларини чиқариш вақтида ҳамиша ҳам лозим даражада талаб қўйилмоқда, деб бўлмайди, илғор ходимларни маънавий ва моддий рағбатлантириш учун мавжуд имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмаётир.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси социалистик мусобақани ташкил қилишни яхшилаш ўн биринчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун курашда мусобақанинг таъсирчанлигини ошириш, мусобақа якунларини чиқариш ва ғолибларни рағбатлантириш тактикасини такомиллаштириш, бу ишдаги камчиликларни йўқотиш юзасидан чоралар кўриш зарур эканлигини кўрсатди. Мусобақадошларнинг асосий эътиборини меҳнат унумдорлигини жадал ўстириш, маҳсулот сифатини ошириш, ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга, шартномалар ва буюртмалар бўйича маҳсулот етказиб бериш режаларини бажаришга, ишлаб чиқариш қувватларидан яхшироқ фойдаланиш, моддий ва меҳнат ресурсларини тежашга, фан-техника тараққиёти ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишга, интизомни мустаҳкамлашга қаратиш вазифаси таъкидлаб ўтилди. Социалистик мажбуриятларни ишлаб чиқиш ва мусобақа якунларини чиқаришда меҳнат коллективларининг ролини янада ошириш, илғор тажрибани қўллаб-қувватлаш ва оммалаштириш, социалистик мусобақанинг тарбиявий кучидан кенгроқ фойдаланиш муҳим аҳамиятга молик эканлиги қайд этилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида ўртоқ Н. А. Тихоновнинг ГФР федерал банки президенти К. О. Пель билан учрашуви якунларини муҳокама қилди ва маъқуллади. Шу учрашув вақтида ҳар икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилган эди.

Сиёсий бюро ўртоқ Г. А. Алиевнинг АҚШ қишлоқ хўжалик министри Ж. Блок билан қилган суҳбати якунларини маъқуллади. М. С. Горбачевнинг Канада парламент делегацияси билан суҳбат тўғрисидаги ахбороти тингланди ва маъқулланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси мажлисида мамлакатнинг ички ҳаётига доир, қардош социалистик давлатларнинг ҳамкорлигини чуқурлаштириш, Совет Иттифоқининг тинчликсевар ташқи сиёсатини амалга оширишга доир бошқа баъзи масалалар кўриб чиқилди.

ТОШКЕНТ ТАРИХИДА УНУТИЛМАС КУНЛАР

«ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА ТОШКЕНТНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН БАДИЙ-СПОРТ БАЙРАМИДАН РЕПОРТАЖ

Ҳаётда тарих саҳифасида, шунингдек одамларнинг хотирасида абадий қоладиган кунлар бўлади. Улар ҳаётимизнинг шонли солномасига ёзилиб қолади.

Тошкент шаҳрининг 2000 йиллиги тантана қилинган кунлар ана шундай кунлар қаторига қўшилади. Тошкент Ватанимизнинг олий мукофоти — Ленин ордени билан тақдирланди. Бу шон-шараф воқеаларга бағишлаб 10 сентябрь куни «Пахтакор» Марказий стадионида бадиий-спорт байрами ўтказилди.

Ҳукумат минбарида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари ўтиришибди.

Соат 18.00. Стадион узра Москва оҳанги янграйди. Кремль Спасск миноранинг куранти жаранглайди. Буларнинг ҳаммаси бадиий тасвир ёрдамида янада жозиба касб этади. Майдон марказига юбиляр шаҳар, орденли шаҳарни табриклаш учун фанфарачилар ва барабанчилар чиқишади. Минбардагилар Ўзбекистон ССР Давлат байроғини ва Тошкент шаҳри гербини пайдо қилишади. Табрик сўзлари эшитилади. Бадиий фонда бир вақтнинг ўзида шаҳарнинг мукофотлари — Ленин ва Қизил Байроқ орденлари пайдо бўлади. Юбиляр шаҳарга бағишланган қўшиқ жаранглайди. Яшил майдонда республикамизнинг турли бурчакларидан байрам тантаналарида иштирок этиш учун келган кекса санъаткорлар, фольклор группаси пайдо бўлади. Дутор, карнай ва сурнай, доира садолари янграйди.

Тошкент оҳанги жаранглайди. Бадиий фонда Тошкент куранти-минораси билан пайдо бўлади. Кекса ҳофизлар ижросида юбиляр шаҳарга бағишланган бадиий бағишлов бошланади. Байрам тантаналари очилади. Бир вақтнинг ўзида бадиий фонда миллий ранглар ёрдамида «2000» рақами пайдо бўлади. Спорт хореографик композиция ёрдамида Тошкент тарихининг саҳифалари аста варақланади. У «Кўҳна Шарқ» деб аталади. Қадимий халқ куйи янграйди. Стадион майдони сариқ рангдаги қумлоқ ва тошлоққа айланади. Ана шундай заминда, ўтмишда савдо йўллари туташган жойда «Тош гул» Тошкент пайдо бўлган эди.

Музика сигнали янграйди. Бадиий фонда «Аврора» кемаси ва қурол пайдо бўлади. Ундан ўқ отилади. «1917 йил 25 октябрь. Петроград» рақами пайдо бўлади. Кейин «1917 йил 1 ноябрь. Тошкент» рақами пайдо бўлади. Революцион музика садоси янграйди. Фондаги рақамлар ўрнида Қизил байроқ қилпирай бошлайди. Бутун майдон революциянинг рамзий ифодаси бўлган қизил рангга бурканади.

Тошкентдаги Совет ҳокимияти учун курашга йўлбошчилик қилган кишиларнинг хотираси сифатида фонда тошкентликлар учун яхши таниш бўлган 14 Туркистон комиссари ҳайкали, М. И. Калинин, М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, С. М. Киров, Й. Охунбобоев ва бошқаларнинг суратлари пайдо бўлади. Буюк доҳий —шонли Коммунистик партия ва социалистик давлат асосчиси бўлган Ленин шарафига илиқ сўзлар айтилади. Композитор Ю. Хромушиннинг Ленин тўғрисидаги кантатасидан фрагмент ижро этилади.

— Ниҳоятда ажойиб томоша,— дея бадиий-спорт байрами ҳақидаги таассуротн билан ўртоқлашди «Узбексельмаш» заводининг темирчиси Ғ. Холматов. —Айниқса бадиий фон чиройли чиқмоқда. Орден, минора, пайдо бўлганида ажабланиб қоласан киши. Буни мўъжиза деб аташ мумкин. Томоша ташкилотчилари ва раҳбарларига чин қалбдан ташаккур айтгим келади. Кўриниб турибдики, байрамни ўтказиш тантаналарига ўз ишининг усталари тайёргарлик кўришган.

Шу пайт майдон бурчагида турган байроқдорлар майдон марказига ўтиб улкан чинигул тасвирини пайдо қилишади. Байрам марши садолари янграйди. Юбиляр шаҳарнинг образини ифодаловчи тантаналар бошланади. Тошкентнинг донгдор кишилари, унинг фахрий гражданлари, ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари, интеллигенция вакиллари, ёшлар бориш-моқда. Тошкент байроғи олиб чиқилади. Жонажон Коммунистик партияга, унинг Марказий Комитетига тошкентликлар номидан миннатдорчилик сўзларини Социалистик Меҳнат Қаҳрамони И. Орипов изҳор этди.

Бу мурожаат сўзларида Ўзбекистон ва унинг пойтахтини янада ривожлантириш тўғрисидаги доимий ғамхўрлик учун чуқур миннатдорчилик изҳор этилади, КПССнинг ички ва ташқи сиёсати яқдиллик билан қўллаб-қувватланиши, КПСС Марказий

(Давоми 3-бетда).



● «Пахтакор» стадионида бадиий-спорт байрами. Т. Каримов фотоси.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросида

Бюронинг бўлиб ўтган мажлисида республика капитал қурилишидаги аҳвол кўриб чиқилди. Саккиз ой ичида капитал маблағларни ўзлаштириш ва қурилиш-монтаж ишлари юзасидан қолоқликка йўл қўйилганлиги айтилди. Енгил саноат корхоналари ҳамда минерал ўғит ишлаб чиқарувчи янги корхоналарни қуриш суръатлари паст. Бир қанча областлар, шаҳарлар ва районларда уй-жойлар, агросаноат комплекси, соғлиқни сақлаш ва социал маданий-маиший объектлар секин қурилмоқда. Область партия комитетларига бюро мажлисларида шу йилнинг саккиз ойи мобайнидаги капитал қурилиш якунларини муҳокама қилиш ҳамда пландаги ҳамма асосий фондлар, саноат, хўжалик, уй-жой ва маданий-маиший аҳамиятдаги ишга туширилдиган объектлар битказилишини, қурилиш-монтаж ишларига ажратилган капитал маблағлар ва воситалар тўла ўзлаштирилишини таъминловчи тадбирларни амалга ошириш вазифаси топширилди. Қурилиш ва Монтаж министрликлари ҳамда идораларига, капитал қурилиш масалаларини ҳал этиш билан боғланган бошқа республика ташкилотларига тегишли кўрсатмалар берилди.

Бюро Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1983 йилги давлат плани ҳамда республика меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети ва КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг кўрсатмалари асосида зиммаларига олган социалистик мажбуриятлар қандай бажарилаётганини кўриб чиқди. Шу йўналишдаги ишларни тезлатиш ва самарадорлигини ошириш, беш йиллик учинчи йилининг план ва социалистик мажбуриятлари сўзсиз бажарилиши юзасидан тадбирлар белгилаб чиқилди.

Бюро халқ истеъмол молларини ишлаб чиқариш ва савдо республика комиссияси составини тасдиқлади. Республика партия-хўжалик активининг йиғилишида харидоргир моллар ишлаб чиқаришни ва хилини кўпайтириш, хизмат доираси ва савдо ишларини яхшилаш юзасидан белгиланган қўшимча топшириқлар қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқишга қарор қилинди.

Бошқа баъзи масалалар ҳам кўриб чиқилди.

ЎЗБЕКИСТОН УЛУҒ АЛЛОМАНИ ШАРАФЛАМОҚДА

Тошкентда ал-Хоразмийнинг 1200 йиллигига бағишланган тантаналар

Н. Ж. ХУДОЙБЕРДИЕВ доклади

ЎРТА АСР ШАРҚИНИНГ УЛУҒ ОЛИМИ ВА МУТАФАККИРИ МУҲАММАД ИБН МУСО ХОРАЗМИЙ (АЛ-ХОРАЗМИЙ)НИНГ 1200 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНИБ БИР НЕЧА КУН МУҚАДДАМ МОСКВАДА БОШЛАНГАН ТАНТАНАЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА ДАВОМ ЭТТИРИЛМОҚДА

Ўзбек халқининг улуғ фарзандаи юбилейини республика кенг миқёсда нишонламоқда. Унинг минг йил ошга бизгача етиб келган илмий рисолалари нашрга тайёрланиб қайта чиқарилди, ал-Хоразмийнинг сиймоси санъат усталарини кинофильмлар, музика ва суратқашлик асарлари яратишга руҳлантирди. Ўзбекистон пойтахтида улуғ алломанинг муаззам ҳайкали очилди.

Алишер Навоий номидаги давлат академик Катта театрида 10 сентябрь куни ал-Хоразмий туғилган кунининг 1200 йиллигига бағишланган тантанали юбилей мажлиси бўлиб ўтди. Республика жамоатчилигининг намояндалари билан бирга кўпдан-кўп меҳмонлар — қардош республикаларнинг, социалистик мамлакатларнинг, бошқа бир қанча давлатларнинг вакиллари, ЮНЕСКО Коммуникацияни ривожлантириш халқаро программаси Ҳукуматлараро кенгашининг тўртинчи сессияси қатнашчилари бу ерга келдилар.

Президиумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Е. А. Аймуротов, И. Г. Анисимкин, Ю. П. Максимов, В. К. Михайлов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, И. Б. Усмонхўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Маҳмудова, У. У. Умаров бор эди. Улар билан бирга Иваново шаҳар партия комитетининг биринчи секретари М. С. Гречин, Олмаота шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. Ж. Қуйчуманов, Душанба шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. Ҳ. Ҳалимов, Фрунзе шаҳар партия комитетининг биринчи секретари К. М. Молдобоев, Ашхобод шаҳар партия комитетининг биринчи секретари С. А. Ниёзов, таниқли совет ва чет эл олимлари ўтиришибди.

Тантанали мажлисни СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, КПСС Марказий Комитети аъзоси, академик П. Н. Федосеев кириш нутқи сўзлаб очди.

Совет ва жаҳон илмий жамоатчилиги, деди у, шу кунларда ўрта аср Шарқининг атоқли олими, илмий билимлар кўпгина соҳаларининг асосчиси Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг 1200 йиллигини нишонламоқда. Яқинда ЮНЕСКО Бош директори Амаду Махтар М'Боу жаноблари бошлиқ ЮНЕСКО намояндалари иштирокида Москвада илмий жамоатчиликнинг тантанали йиғилиши бўлиб ўтди.

Улуғ олимнинг юбилейн Совет Ўзбекистонида ва унинг қадимий области Хоразмда, олимнинг юртида, айниқса, кенг ва зўр активлик билан нишонланиши табиийдир.

Кеча биз, Тошкентнинг энг чиройли майдонларидан бирида Хоразмийнинг муҳташам ва шу билан бирга нафис ҳайкалини очдик. Бу ҳайкал унинг ўз замони билан алоқасини ва келажакка бўлган интилишини нишонлайди. Бугун Тошкентда кўпгина совет ва чет эл олимларининг иштирокида Хоразмий ижодига бағишланган илмий конференция очилди. Конференция сўнгра ўз ишини Урганчда давом эттиради.

Ҳозирги вақтда Совет Ўзбекистонининг составига кирган ўрта аср Хоразмида туғилган фаннинг донг чиқарган арбобини ҳурматлаш ва унга миннатдорчилик билдириш учун биз ҳозир серқуёш Тошкентдаги ана шу ажойиб театр залида тантанали мажлисга тўпландик.

Жаҳон миқёсидаги атоқли олимнинг бир минг икки юз йиллиги вақт жиҳатидан Совет Ўзбекистони пойтахти Тошкент шаҳрининг икки минг йиллигига тўғри келганлиги диққатга сазовордир. Тошкент юбилейи ўзбек халқининггина эмас, шу билан бирга кўпмиллатли Совет Иттифоқи барча меҳнаткашларининг ҳам улкан байрамидир. Тошкентнинг икки минг йиллиги халқларимизнинг бой тарихий анъаналари билан, бугунги кунда ягона Совет Социалистик давлатига бирлашган диёрда цивилизация ривожининг кўп асрлик тарихи билан боғланганлигидир.

Кеча Тошкентнинг 2000 йиллигига ва шаҳарга Ленин ордени топширилишига бағишланган тантанали йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Шараф Рашидович Рашидов Тошкентнинг тарихий ривожланишини ва Совет Ўзбекистони эришган жуда катта ютуқларни ёрқин ва чуқур ёритиб берди. Биз Тошкент шаҳри гражданларини шонли юбилей ва Ленин ордени билан мукофотланиши билан барча совет ва чет эл олимлари номидан самимий муборакбод этамиз.

Биз ҳар қандай атоқли олимнинг фаолиятини ўрганган ва унинг хизматларига баҳо берганда, у фойдаланган ва ўзидан олдин ўтган ўтмишдошлари ва замондошлари эришган ютуқларни ҳам ҳисобга оламиз. Лекин энг муҳими шуки, Бизнинг мамлакатимизда, ал-Хоразмий Ватани — Ўзбекистонда юбилей тантаналари алоҳида завқ-шавқ билан ўтмоқда. Партиямиз билан Совет давлатимизнинг асосчиси улуғ Ленин бизга кўп асрлар мобайнидаги тарихий тараққиёт жараёнида инсоният ҳосил қилган илғор меросга, совет кўп миллатли социалистик давлати фани ва маданиятининг жуда бой хазинаси ажралмас қисмини ташкил этувчи маънавий бойликларга имкон борича эътибор бериб, ардоқлаб, муносабатда бўлишни васият қилган эди.

Совет кишилари ўзининг ноёб ижодий дурдоналари билан жаҳон фанини ривожлантиришга чинакам тарихий ҳисса қўшган ал-Хоразмийнинг даҳосига бениҳоя зўр ҳурмат, астойдил миннатдорчилик туйғулари билан муносабат этадилар.

Ўтган даврлардаги атоқли шахсларнинг шонли юбилейлари мамлакатимизда ижтимоий, илмий ва маданий ҳаётнинг энг муҳим воқеалари бўлиб қолганлиги, коммунистик жамият қуриш йўлидаги улуғвор ютуқларнинг умумхалқ кўрикларига доимо айланиб кетаётганлиги мутлақо қонуниятлидир.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ҳамма халқлари, барча миллатлари ўз ораларидан етиштириб чиқарган истеъдодли ва иқтидорли кишилар Ватанимизингина эмас, бутун дунё цивилизациясининг ҳам ифтихоридир. Кўп миллатли совет халқи атоқли рус олимлари Михаил Васильевич Ломоносов, Лобачевский, Менделеев, Попов, Жуковский, Чернишевский, мамлакатимиз бошқа халқларининг машҳур олимлари, мутафаккирлари — Шота Руставели, Низомий, Жомий, Сковорода, Чўқон Валихонов, Давид Анахта, Махтумқули ва дунёга шуҳрат қозонган бошқа кўпгина алломалар порлоқ хотирасини муносиб равишда сақламоқдалар. Уларнинг тилларда достон бўлган номлари ва ишлари ҳеч қачон сўнмайди, уларнинг Ватанимизнинг қудратини равнақ топтириш йўлидаги, унинг ҳар томонлама тараққиёти ва халқ бахт-саодати йўлидаги ижодий илҳом ва тинимсиз қураш билан тўлиб-тошган ажойиб ишлари, илмий ва ҳаётий жасоратлари миннатдор авлодларнинг фикри-зикрини ҳамиша ўзига ром этгусидир.

Улуғ илмий-мерос —инсониятнинг азгу орзу-умидларига хизмат қилиши лозим бўлган жуда бебаҳо хазинадир. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Юрий Владимирович Андропов уқтириб ўтганидек, «маданиятларнинг бир-бирини ўзаро бойитишини янада самаралироқ қилиш, халқларимиздан ҳар бирининг маданиятини бераётган жамики яхшиликлардан барча кишиларни тобора кенг баҳраманд қилиш» зарур.

Ал-Хоразмий юбилейнинг байрам қилиниши ҳам мана шу жуда олижаноб мақсадга шак-шубҳасиз хизмат қилади, бу байрам унинг доно кашфиётлари жаҳон цивилизацияси учун ўйнаётган ролини ва унинг сўнмас аҳамиятини янада чуқурроқ ўрганишга ва идрок этишга кўмаклашади.

СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, атоқли олим ва жамоат арбоби Петр Николаевич Федосеев бошчилигидаги ал-Хоразмий юбилейини ўтказувчи Бутуниттифоқ ташкилот комитети катта ва самарали иш қилди.

Юбилей муносабати билан республикамиздаги партия, давлат, жамоат ташкилотлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети раҳбарлигида кенг миқёсдаги ташвиқотчилик, илмий-маърифатпарварлик ишини олиб бормоқдалар.

Яқинда Ватанимиз пойтахти — Москвада ал-Хоразмийнинг 1200 йиллигига бағишлаб ўтказилган ҳамда мамлакатнинг илмий марказлари ва жамоат ташкилотлари намояндалари иштирок этган тантанали мажлис совет кишиларининг бутун жаҳонга машҳур мутафаккир хотирасига чуқур ҳурмат билан қараётганликларини жозибали равишда намойиш этди. Шу мажлисда ЮНЕСКО Бош директори доктор Амаду Махтар М'Боу сўзлаган нутқ зўр таассурот қолдирди. У ал-Хоразмий шу кунларда ЮНЕСКО амал қилаётган шиорни ўз шахсида мужассамлаштирган Шарқнинг улуғ фарзандлари билан бир қаторда турганлигини таъкидлади.

Бугун Ўзбекистонда ҳақатта байрам бошланди. Азиз ва муҳтарам меҳмонлар —иттифоқдош республикаларнинг, қардош социалистик мамлакатларнинг, бир қанча бошқа давлатларнинг вакиллари, таниқли совет

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН УЛУҒ АЛЛОМАНИ ШАРАФЛАМОҚДА

(Боши 1-бетда).

давр талабларидан ва халқ ҳаёти шароитларидан олимнинг фикри-зикри ва муддаоларини тушунтириб бериш муҳимдир.

Шу ҳолатни таъкидлаб ўтмоқчиманки, олим қаерда, қайси шаҳарларда ва ўлкада меҳнат қилмасин, Хоразмийнинг бутун илмий фаолияти, унинг илмий жасорати жаҳоннинг турли мамлакатларидаги илм-фан ютуқларигагина эмас, аввало жонажон Хоразмнинг моддий ютуқлари ва маданий анъаналарига таянади.

Яқин вақтгача тарих фанида Шарқнинг илмий меросига етарли баҳо берилмасди, бир қанча шарқий регионларда эса Ўрта Осиё областларининг роли пасайтириб кўрсатиларди. Баъзи тарихчилар илм-фаннинг тарихий ривожланиш манзарасини шундай тасвирлайдиларки, Ўрта асрлар Шарқида унинг марказлари гоҳ Дамашқда, гоҳ Бағдодда, гоҳ Миср шаҳарларида бўлган. Бунда Ўрта Осиё регионини олис ва қолоқ чекка ўлка сифатида қаралларди, бу ўлка цивилизациянинг ана шу марказларидан бирининг қандайдир олис нурларидан баҳраманд бўлган. Шу билан бирга айни ана шу Араб Шарқининг чекка ўлкаси деб аталган жойлардан Форобий, Беруний, Ибн Сино ва уларнинг буюк ўтмишдоши ал-Хоразмий сингари жаҳон цивилизациясининг алломалари етишиб чиққанлиги эсдан чиқариб қўйиларди. Улар ўзаро урушлар ва ташқи босқинлар, маҳаллий маъмурларнинг қисуви шароитларида ва бошқа турли сабабларга кўра ўз ерларидан кетиб, ташқи илмий марказларда илмий ишни давом эттиришга мажбур бўлганликлари Ўрта Осиё регионини ва унга ёндош ерлар ўша замон учун юксак маданият даражасига эга бўлиб қўшни мамлакатларнинг ютуқларини қабул қилишдан ташқари уларнинг ўзлари ҳам қўшни мамлакатларга ғоят катта таъсир кўрсатганликларини ҳеч бир тўса олмайди. Шу атоқли энциклопедист олимларнинг фаолияти Бағдод ёки Дамашқ, ёхуд бошқа шаҳарлардаги илмий марказлар шуҳратини оширган бўлса, бу нарса Ўрта Осиёнинг илмий анъаналари, унинг хўжалик ва маданият соҳасидаги асосий ютуқлари Ўрта асрдаги бутун Шарққагина эмас, шу билан бирга Европа дунёсига ҳам катта таъсир кўрсатганлигидан далолат беради.

Умуман дунёримизнинг машҳур кишиларини чет мамлакатларда илмий фаолият билан шуғулланишларига тўғри келганига асосланиб Ватан фани тарихидан четга чиқаришдек ҳар қандай одатларга барҳам бермоқ керак. Ўрта асрдаги кўпгина олимлар ўз асарларини чет мамлакатлардаги илмий марказлар ва таълим марказларида яратганлар ва шунга асосланиб бирор мамлакат ўз ватандошларидан воз кечгани йўқ. Польшалик Коперник бир қанча ҳоллар сабабидан умр бўйи ўз мамлакатидан ташқарида яшашга мажбур бўлган, лекин у табиийки, Қуёш системасининг тузилишига қарашларда туб бурилиш ясаган польшалик буюк олим деб танилади.

Биз ватандошларимиз ишлаган ва асарларини яратган илмий марказларда жаҳон цивилизацияси тараққий топганлигининг катта аҳамиятини сира ҳам камситмоқчи эмасмиз. Биз шу марказларнинг ана шу олимлар камолотига ва уларнинг жаҳон цивилизациясига қўшадиган ҳиссасига кўрсатган таъсирини тўла-тўкис эътироф этамиз.

Бағдод, Дамашқ каби Ўрта аср илмий марказлари аҳамиятини тан олганимиз ҳолда улар Ўрта Осиё регионидаги атоқли олимларнинг фаолияти туфайли жаҳонга кўпроқ танилганлигини унута олмаймиз. Ўрта аср Ўрта Осиёсидан чиққан кишилар шу марказларнинг аҳамиятини кучайтириш орқали ўз ўлкаларининг ҳам шуҳратини ёйдилар ва бу шуҳрат асрлар оша сўнмаяжак. Турли мамлакатлар олимлари ва илмий марказларнинг илм-фанни ривожлантиришдаги ҳамкорлиги ва ўзаро таъсирини биз шундай тушунамиз.

Ал-Хоразмий ижоди, унинг кўпгина билим соҳаларига қўшган буюк ҳиссаси тўғрисида жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида кўплаб асарлар ёзилган. Мамлакатимизнинг илмий муассасалари ва нашриётлари шу юбилейга атаб олимнинг бир қанча рисолалари ва тўпламларини чоп этди. Бу асарлар олим ижодининг таҳлилига ҳамда жаҳон цивилизациясининг кейинги тараққиёти учун олим илмий тадқиқотларининг аҳамиятига бағишланган. Ал-Хоразмийга бағишланган юбилей тадбирларини ташкил этиш Бутуниттифоқ комитети ал-Хоразмий барча асарларини фаол йиғиш, уларни шарҳлаш ва нашр этишни ташкил қилишни ўз вазифаси деб ҳисоблади. Ана шу вазифа муваффақият билан бажарилди, деб бу ерда маълум қила оламиз. Хоразмийнинг юбилейига атаб нашр этилган асарлари ҳамда унинг фаолияти тўғрисидаги тўпламлар каттагина бир кутубхоначани ташкил этади, дейиш мумкин.

Ўзимнинг кириш нутқимда Хоразмий қилган кашфиётлар ва хулосаларни батафсил таърифлаб ўтишни назарда тутмадим. Мен ўтмишдошларимизнинг, айниқса ал-Хоразмийнинг бой илмий меросини ўзлаштиришдан оладиган сабоқларимиз ва хулосаларимиз хусусида тўхталиб ўтишни истардим.

Таъкидлаб ўтиш лозим бўлган биринчи хулоса шуки, илмий изланишларнинг практика билан алоқаси зарурлатидир, зеро шундай алоқа илмий билишнинг ўсиши ва инсоният тараққиётининг кучли манбаи бўлиб хизмат қилади. Хоразмийнинг ўзи шу ҳақиқатни яхши тушуниб ўзининг барча илмий изланишлари билан ўз даври эҳтиёжларига жавоб беришга ҳаракат қилганлигини эслатиб ўтаман. Ҳақиқатда ҳам гапириш, ёзиш ва ўқишни билиб олган одамлар ҳисоблаш ва ўлчашни, кенгликни ва вақтни ўлчашни, турган жойлари ва тарихий координатларда мўлжал ола билишлари, ҳозирни ўтмиш билан қиёслай билишлари ҳам керак эди. Ал-Хоразмийнинг асосий фаолияти айни шу вазифаларга бағишланганлиги эътиборга сазовордир. У математика, шу жумладан арифметика, алгебра, геометрия соҳасидаги асарлари билан шуҳрат қозонди. Унинг илмий меросида география ва астрономияга бағишланган асарлари энг муҳим ўрин эгаллайди. У тарих масалаларига, шу жумладан Ўрта Осиё тарихи масаласига катта эътибор берди. Буларнинг ҳаммаси кишиларнинг кундалик амалий фаолиятига ёрдам бериши керак эди. Математика ва геометриянинг ривожисиз суғориладиган деҳқончиликни ривожлантириб бўлмас, каналлар, тўғонлар ва ирригация иншоотларини қуриб бўлмасди. Аниқ ҳисоб ва ўлчовсиз муҳташам саройлар, истеҳкомлар, ҳар хил мадраса ва ибодатхоналарни қуриб бўлмасди. Ҳисоб илмини ривожлантирмай ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ оборотини кенгайтириб, кўпдан-кўп карвон йўлларини очиб бўлмасди. Кенг халқаро алоқа ва муносабатларни ривожлантириш учун эса узоқ-яқин жойларнинг географиясини билмай, шаҳарларнинг координаталарини ўлчамай, қуруқлик ва денгиз районларининг карталарини тузмай иш қилиб бўлмасди. Вақтни ўлчаш ва жойнинг ҳолатини аниқлаш учун мураккаб астрономик тадқиқотларсиз ҳеч нарса қилиб бўлмасди. Хоразмий ва бошқа олимларнинг асарлари ёрдами туфайли қуёшга, юлдузларга қараб йўл танлашни билиш, кенглик ва вақтни аниқлаш учун приборлар яратиш мумкин бўлди. Тарихни билмаган халқ насл-насабсиз кишига ўхшаб қолади.

Шу масалаларнинг ҳаммаси Хоразмий асарларида ёритилди ва у амалий ишларда ўзининг илмий изланишлари одамларга наф келтирганлиги билан ҳақли равишда фахрлана олади. Буни шунинг учун ҳам эслатиб ўтаяпманки, ҳозирги вақтда фан билан практиканинг алоқаси тўғрисидаги масала етук социализмнинг тараққиёти ва уни такомиллаштириш ишида ғоят катта аҳамият касб этди.

КПСС Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган июнь Пленуми ижтимоий ва табиий фанлар эътиборини практикага, фан-техника ва социал тараққиёт вазифаларини ҳал этишга қатъиян буриш зарурлигини таъкидлади. КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг фан-техника тараққиётини тезлаштириш тўғрисида яқинда қабул қилган қарори фаннинг практика билан, жамиятимизнинг эҳтиёжлари билан алоқаларини мустаҳкамлаш ҳаётий зарурлигини яна бир карра эслатади ва таъкидлайди.

Иккинчидан, — ал-Хоразмийнинг 1200 йиллигига бағишланган юбилей тадбирларидан хулоса сифатида таъкидлайдиган гапим фанни одамлар, халқлар, миллатларни бирлаштирувчи кучли маънавий қурол сифатида тушунишдир. Кўп асрлар мобайнида, ҳаттоки, ўзаро ётлашиш ва халқлар ўртасида урушлар бўлиб турган шароитларда ҳам одамзот бирлигини исботлаш, кишилар ўртасида нормал инсоний муносабатлар ўрнатиш учун илм-фаннинг, илмий алоқаларнинг аҳамияти ҳеч қачон йўқолган эмас. Асрлар мобайнида, эксплуататор синфлар ҳукмронлиги шароитларида, ҳозирда ҳам капитал ҳокимияти қутираётган жойларда илм-фанни инсониятга қарши ғаразли мақсадларга мослашга уриниб келдилар ва ҳозирда ҳам шундай қилмоқдалар.

Социализм ана шу жиҳатдан ҳам бурилиш ясади. Айни социализм шароитларида халқларнинг ҳамкорлиги ва самарали бунёдкорлик фаолиятини ривожлантиришда илм-фаннинг роли тобора кучайиб бормоқда. Совет Иттифоқида халқларнинг қардошларча дўстлиги меҳнат аҳли — ишчилар, колхозчилар, зиёлилар иттифоқига асосланиб, энг илғор фан бўлмиш марксизм-ленинизм негизида мустаҳкамланмоқда. Пролетар, социалистик интернационализм бу фаннинг туб принципи ҳисобланади.

Барча Совет республикалари сингари Совет Ўзбекистонининг катта ютуқлари — ленинча миллий сиёсат амалга оширилишининг натижаси бўлиб, халқларнинг тўла тенг ҳуқуқлилиги ва қардошларча ҳамкорлиги, ихтиёрий ва бузилмас иттифоқдаги ҳар бир миллат ва элатнинг эркин ривожланиши шунинг заминида ётади. Ўртоқ Ю. В. Андропов таъкидлаганидек «Ленин васиятлари, ленинча миллий сиёсат принциплари биз учун муқаддасдир. Биз шу васиятларга суяниб, уларни изчиллик билан амалга ошира бориб, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи деган қудратли бир давлатни яратдик, бу давлатнинг яратилиши социализмнинг ривожланишида катта бир қадамгина эмас, шу билан бирга умумжаҳон тарихининг боришида энг муҳим ўзгариш моментларидан бири ҳам бўлди».

Тошкент ҳақли равишда интернационал шаҳар, халқлар дўстлиги шаҳри ҳисобланади. Бу ерда халқларнинг қардошларча дўстлигини мустаҳкамлашда, ленинча миллий сиёсат ва КПСС интернационалистик практикасининг ҳар қандай сохталаштирувчилари ва душманларига қарши курашда фан ва илмий жамоатчиликнинг роли ва вазифалари тўғрисида гапириб ўтишни, айниқса, жоиз деб ҳисоблаймиз.

Илм-фан — халқлар умумий меҳнатининг натижаси, халқлар халқаро ҳамкорлигининг самараси, бутун инсониятнинг ютуғи эканлигини англашни учинчи хулоса деб ҳисоблаш мумкин. Бошқа илғор олимлар сингари ал-Хоразмий ҳам илм-фан ва унинг намояндаларини қабиласи ёки ирқига қараб, қайси давлатга мансублигидан қатъи назар, уларни бирбиридан ажратмаган ва бирбирига қарама-қарши қўймаган. Илм-фан айни инсониятнинг умумий мулки сифатида ер юзидаги барча халқларнинг манфаатлари йўлида тинчлик ва тараққиётга хизмат қилмоғи даркор. Шунинг учун ҳам барча совет кишилари каби мамлакатимизнинг олимлари Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва ҳукуматининг тинчликсевар сиёсатини якдиллик ва юксак активлик билан қўллаб-қувватламоқдалар, ўзларининг бутун куч-ғайратлари ва нуфузли таъсирини термоядро фалокатининг олдини олиш ишига сарфламоқдалар. Америка империализмининг жиноят-корона агрессив сиёсати шундай фалокат хавфини вужудга келтирмоқда.

Совет олимлари империалистик агрессия хавфи олдида мамлакат мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш зарурлигини биладилар, албатта. Олимларимиз социалистик Ватанни ҳимоя этиш воситаларини такомиллаштиришда актив қатнашаётганликлари табиийдир. Лекин улар бу ишни қуролланиш пойгаси мақсадларида эмас, балки тинчликни ва чегараларимиз бузилмаслигини сақлаш йўлида қилмоқдалар. Биз ер юзида тинчлик қуролланишдаги рақобат билан эмас, балки қурол яроғларни токи одамларни қирадиган ҳар қандай воситалар батамом йўқотилгунига қадар қисқартириш йўли билан таъминланишини ҳамиша ёқлаб келдик ва ҳозирда ҳам шундай қиляпмиз.

Ўрта Осиёнинг буюк олими ал-Хоразмийнинг 1200 йиллигини, Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейи кунларида алоҳида тантана билан ва кенг миқёсда нишонляпмиз. Бу нарса замонларнинг алоқаларини, тарихий анъаналарга ҳурмат-эҳтиромимизни, халқларимиз босиб ўтган тарихий йўл улуғворлигини англашимизни таъкидлайди.

Кеча биз томоша қилиш шарафига муяссар бўлганимиз юбилей концерти — Совет Ўзбекистони ва барча Совет республикалари ажойиб бадиий ютуқларининг ёрқин намойиши, шу билан бирга қардошларча халқлар дўстлигининг, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи улуғвор зафарларининг образли ифодасидир.

Орадан ўн етти йил ўтгач, инсоният бизнинг йил ҳисобимизга кўра ўз тарихининг икки минг йиллигини ҳисоблайди ва йигирма биринчи асрга қадам қўяди. Ажойиб Ўзбекистон Совет Республикасининг барча меҳнаткашларига келгуси йилларда, йигирманчи асрнинг охиригача коммунистик бунёдкорликда янги-янги ғалабаларга, цивилизациянинг янги-янги чўққиларига эришишларини истардим.

* * *

Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмийнинг ҳаёти ва фаолияти, унинг илмий жасоратининг аҳамияти ҳақида республика юбилей ташкилот комитетининг раиси, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев доклад қилди.

(Н. Ж. Худойбердиев доклади газетанинг 1-, 2- ва 3-саҳифаларида эълон қилинмоқда).

(Давоми учинчи бетда).

Н. Ж. ХУДОЙБЕРДИЕВ доклади

(Боши 1-бетда).

чет эл олимлари Ал-Хоразмий юбилейини биз билан бирга, республиканинг бутун халқи билан бирга нишонлаётганликларидан бениҳоя хурсандмиз.

Ал-Хоразмий юбилейига бағишланган тантаналарда шу қадар кўп ҳурматли меҳмонларнинг ҳозир бўлганлиги — унинг инсоният маънавий ва ижтимоий тараққиёти чўққиларини кўзловчи мангу барҳаёт илмий асарлари бутун халқ томонидан, бутун дунё миқёсида чинакам эътироф этилганлиги ва муносиб равишда баҳоланганлигининг яна бир ишонарли далили деб билмоқ керак.

Ал-Хоразмий шарафланаётганлигининг халқаро характери ва унинг илмий ижодиёти ўрганилаётганлиги турли мамлакатлар халқлари ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга, тинчлик идеаллари тантанаси учун курашга кўмаклашувчи, актив ҳамкорлигини кўрсатувчи яхши намуна эканини таъкидлаш муҳимдир.

Ал-Хоразмий яшаган ва ижод этганидан бери орадан ўн икки аср вақт ўтди. Аммо унинг номи, унинг мероси замон ўтиши билан эскиргани йўқ. Ўтган юз йилликлар мобайнида янги-янги авлодлар бир-бирининг ўрнини олди, битмас-туганмас ижодий ва ҳаётий кучга эга бўлган мутафаккирнинг ажойиб асарлари ўтмишда илм-фан, маорифнинг юксак мақсадларига, инсониятнинг манфаатларига қандай пишиқ-пухта хизмат қилган бўлса, ҳозир ҳам мана шундай хизмат қилиб келмоқда. Унинг улуғворлиги, унинг шон-шуҳрати манбаи ҳам мана шундадир.

Ал-Хоразмий жаҳон илм-фанининг ҳамма эътироф қилган даҳосидир, унинг номини биз Шарқнинг Беруний, Ибн Сино, Форобий, Фирдавсий, Улуғбек, Навоий каби улуғ мутафаккирлари ҳамда олис ўтмиш даврларда ижод этган бошқа кўпгина атоқли олимлари ва маърифатпарварлари қаторида ифтихор билан тилга оламиз. Аммо биз шуни ҳам биламизки, ўтмишда яратилган маданият обидалари фақат саноқли кишиларнинггина мулки бўлган, халқ оммаси улардан баҳраманд бўла олмаган. Ўрта Осиёдаги бошқа олимлар каби ал-Хоразмийнинг илмий мероси мамлакатимизда Улуғ Октябрнинг ғалабаси натижасида ва Ленин партияси раҳбарлигида амалга оширилган маданий революция туфайлигина кенг [illegible]нилликка маълум бўлди.

Шу юбилей кунларида миллион-миллион совет кишилари ал-Хоразмийнинг тарихий кашшофликлари билан нишонланган илмий [illegible]га қайта-қайта фахрла назар ташлайдилар. У [illegible]н дунёда асло сўнмас [illegible]идрокнинг порлоқ чироғи бўлиб келди.

Ҳозирги Ўзбекистон территориясида қадим замонда фан ва маданият марказлари вужудга келгани ҳаммага маълум. Ўша пайтда атоқли олимлар яшаб, ижод этган Хоразм Шарқнинг алломалари ижод этган таниқли марказлардан бири бўлган.

Улуғ хоразмликнинг ҳаётига оид маълумотлар бизгача жуда камдан-кам етиб келган. Ал-Хоразмий тахминан 780 йилда Хивада туғилган. У жуда ёшлигиданоқ илм-фанга қизиқиб, ўспиринлик чоғидаёқ ўзининг истеъдоди, ҳаракатчанлиги, ўқишдаги ва илм сирларини эгаллашдаги муваффақиятлари билан тенгқурларидан ажралиб турган, ўзининг янги-янги ғоялари билан замондошларини ҳайратга солган. У араб, санскрит тиллари ва бошқа тилларни эгаллаган.

IX асрнинг бошларида ал-Хоразмий олим сифатида шуҳрат қозониб, ўша пайтдаги йирик маданий марказ — Бағдодга — «Донолар маскани», ўзига хос фанлар академиясига таклиф этилган. Ўша ерда у илмий тадқиқотлар билан шуғулланишни давом эттиради, Ганг, Нил икки дарё оралиғи водийлари ва Ўрта денгиз соҳилларида яратилган илм-фан дурдоналарини, цивилизация обидаларини эгаллаб олади. Шу ерда унинг даҳоси ўзининг бутун қирралари билан намоён бўлади, у яратган асарлар ал-Хоразмий номини дунёга машҳур қилади ва асрлар ўтиши билан дунёнинг кўп тилларига таржима қилинади.

Унинг илм-фаннинг энг муҳим соҳалари — арифметика, алгебра, геометрия, астрономия, география, Ўрта Осиё халқлари тарихига оид ўн иккита асосий асари тўла тексти ёки уларнинг парчалари таржима ҳолида бизнинг замондошларимизгача етиб келган.

Ал-Хоразмий математика фанини ривожлантиришга жуда катта ҳисса қўшди. У туғилиб ўсган Хоразмда ўша даврнинг шароити учун деҳқончилик маданияти ривожланган, тўғонлар қурилган, саройлар, мадрасалар барпо этилган эди, мавсумий ишлар, ёмғир ва қурғоқчиликлар календари мавжуд эди. Мана шуларнинг ҳаммаси аниқ ҳисоб-китоблар ва ўлчовлар заруратини тақозо этар эди. Турмушнинг ҳамма ҳодисалари учун яратилган фан, яъни математикага бўлган эҳтиёж ўз-ўзидан туғилган эди. Ал-Хоразмий математикага оид рисолаларидан бирини бошлар экан, шундай деб ёзган эди: «Мен бу ишга эзгу ниятлар билан киришмоқдаман... Мен ҳисоб-китоб ишларида одамларга нималар кераклигини кўриб чиққанимда, сонлар кераклигини англадим».

Ал-Хоразмийнинг «Ҳинд ҳисоби тўғрисида китоб» деган рисоласи жаҳон фани тарихига ёрқин саҳифа бўлиб кирди. Бу рисолада ўнли ҳисобга асосланган ва нулдан бошланадиган арифметика биринчи бор мунтазам равишда баён қилиб берилди. Замонавий ҳисоблаш математикаси ва ҳисоблаш техникаси айни шу ўнли сонлар системасида шитоб билан ривожланаётганлигини бу ерда алоҳида таъкидлаб ўтиш, айниқса, ўринлидир. Алгоритм эса кибернетиканинг жон-тани, унинг математик негизи экани маълум. Алгоритм деган сўзнинг ўзи олимнинг номи — ал-Хоразмийнинг лотинча талаффуз этилишидан бошқа нарса эмас.

Ал-Хоразмийнинг буюк хизмати шуки, у Ҳиндистонда вужудга келган ўнли ҳисоб системасини такомиллаштириб, уни ўз назарияси билан ижодий бойитди ва бу ҳисоб Шарқ мамлакатларида, сўнгра Европада ҳам кенг тарқалиб, асосий негиз бўлиб қолди. Кўп асрлар мобайнида математика дарсликлари шу негиз асосида тузилди.

Ал-Хоразмийнинг алгебрага оид «Китоб ал-жабр ва ал-муқовала» рисоласи олим илмий даҳосининг гултожидир. Бу китобда алгебра илк бор квадрат тенгламаларни ечиш умумий методлари тўғрисидаги фан сифатида талқин этилган, унинг асосий қонунлари ифодалаб берилган эди. Олим ишлатган «Ал-Жабр» ибораси кейинчалик конкрет ҳисоблаш операциясидан ташқари математиканинг катта бир тармоғини ифодалайдиган бўлиб қолди.

Шундай қилиб, ҳозирги замон алгебрасини ал-Хоразмий яратиб берган эди. Ўша олис замонлардаёқ бу фаннинг асосчисини мавҳум нарсалар эмас, балки мутлақо ердаги ишларда керакли нарсалар қизиқтирган эди. «Мен ал-жабр ва ал-муқовала» тўғрисида арифметиканинг оддий ва мураккаб масалаларини ўз ичига олувчи рисола ёздим, чунки бу одамларга зарур, — деб ёзган эди олим ўша рисоласида. — Ерларни ўлчашда, каналлар ўтказишда, қурилиш ишларида ва шунга ўхшаш бошқа хилма-хил ишларда бу нарса одамларга керак бўлади».

Ал-Хоразмийнинг арифметикага оид рисоласи каби алгебрага доир рисоласи ҳам Европада XII асрнинг бошларидаёқ лотин тилига таржима қилинган математикага бағишланган дастлабки асарлардан бири эди.

Олим ўзининг илмий фаолияти билан аслида Ўрта аср билимларининг бутун мажмуасини қамраб олган эди.

«Китоб сурат ал-ард» («Ер манзараси китоби») деб аталган ноёб асарда ўша пайтда ернинг одамлар яшайдиган қисми иқлим минтақаларига биноан, энг муҳим аҳоли пунктларининг харитаси ва координаталари билан, денгизлари, ороллари, тоғлари ва дарёлари билан баён қилинган эди. Бу китоб Ўрта аср олимларининг география, геодезия ва картография соҳасида шундан кейинги ишлари учун асос бўлиб хизмат қилди.

Астрономияга оид бениҳоя қимматбаҳо асарлар ҳам ал-Хоразмий қаламига мансубдир. У астрономия асбоби — астролябиянинг тузилишини ва Қуёш соатларининг қўлланишини тасвирлаб берди. Унинг Бағдод ва Дамашқ расадхоналаридаги кузатувлар асосида яратилган «Зиж» жадваллари ҳам Шарқдаги, ҳам Европадаги астрономия ишлари учун негиз бўлди.

Ал-Хоразмийнинг даҳоси ҳақиқатан ҳам танҳодир. У ижод қилган асарлар аниқ фанлар доирасига асло сиғмайди. У кенг кўламдаги янгилик яратувчи олим бўлиш билан бирга гуманитар фанларга, хусусан тарихга ҳам қизиқиб, машҳур «Ер ҳисоблаш китоби»ни тузди. Бу китоб катта тарихий даврни қамраб олган бўлиб, бошқа воқеалар билан бир қаторда араб халифалиги ерларида бўлиб ўтган халқ қўзғолонлари тўғрисида, зилзила ва тошқинлар ҳақида ҳам маълумотлар берди. Улуғ аллома бўлмиш ал-Хоразмий ўз асарларида илмий билишнинг умумназарий муаммоларини, илмий ўрганиш принципларини ҳам ишлаб чиқди, уларни амалий савишда қўлланиш, улардан ўз замонининг аниқ-равшан вазифаларини ҳал этишда фойдаланиш йўлларини белгилашга интилди.

Улуғ инсонпарвар мутафаккирнинг диққат-эътибори жамиятнинг кўп томонлама турмушига, унинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий проблемаларига ҳам қаратилди, бу борада у инсоннинг бахт-саодати мақсадларига юксак даражада хизмат қилишни илм-фаннинг олий вазифаси деб билди. Унинг ижодиёти ўзининг зўр илмий ва амалий қиммати билан ҳозир ҳам бизни ҳайратга солади.

Олим кўп халқларнинг илмий анъаналарига ғоят қизиқиб қараб, уларни умумлаштирди ва ривожлантирди. Бағдод академиясида илмий изланишлар ва экспедицияларга бошчилик қилганида у қайси миллатга ва динга мансублигидан қатъи назар, турли мамлакатларнинг истеъдодли олимларини биргаликдаги илмий ишга жалб қилишга катта аҳамият берди.

Ал-Хоразмий ижод этган тарихий вазият тасаввур этилса, унинг жасорати улуғворлиги алоҳида куч билан намоён бўлади. Олим ўз асарлари билан дунёвий фанларни ривожлантиришга, Ўрта аср Шарқидаги илғор фалсафий фикрни шакллантиришга ёрдам берди.

Ал-Хоразмий илм-фанга бениҳоя зўр ва сезиларли ҳисса қўшди, унинг номи жаҳон цивилизацияси тарихида фахрли ўрин олди.

Совет ва чет эл тадқиқотчилари олимнинг меросини доимо ва жуда синчиклаб ўрганаётганликлари мутлақо табиийдир. Ал-Хоразмийнинг таржимаи ҳолини, унинг замондошлари билан илмий алоқалари ва мулоқотларини аниқлашга оид ишлар, мутафаккир қўлёзмаларини қидириш ҳамон тинимсиз давом этмоқда, ақл-заковат ва тараққиёт курашчиси бўлган олимнинг кўп қиррали ижодиётини, доно ғояларини кенг пропаганда қилиш соҳасидаги тадбирлар мунтазам равишда амалга оширилмоқда.

Шу жиҳатдан олганда фан тарихчиларининг кейинги йилларда Урганч, Хива ва Тошкентда бўлиб ўтган конференциялари, шунингдек республикамиз пойтахтида ал-Хоразмийнинг 1200 йиллигига бағишлаб очилган халқаро илмий конференция муҳим аҳамиятга эгадир.

Юбилей тантаналари муносабати билан алломанинг меросини янада чуқур ўрганишга ва унинг хотирасини абадийлаштиришга бағишланган тадбирлар, айниқса, кенг қулоч ёйди.

СССР Фанлар академияси билан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси унинг математикага оид рисолаларини, астрономия жадвалларини, унинг «География» китобини, шунингдек «Танланган асарлари»ни ўзбек тилида тайёрлаб, янги шарҳлар билан нашр этдилар. Иттифоқ ва республика нашриётлари жами 250 минг нусхадан ортиқ тиражда бир қанча китоб ва брошюралар чиқарди. Улуғ Хоразмийнинг сиймоси совет санъати усталарини кинофильмлар, музика ва суратакшлик асарлари, тематик виставкалар ва концерт программалари тайёрлашга руҳлантирди.

Область маркази-Урганчда қурилган музейнинг экспозицияси қадимий ўлканинг қиёфасини ҳамда олим яшаб, ижод этган олис ўтмиш муҳитини гавдалантиради ва Хоразмнинг тубдан социалистик тарзда янгиланганлиги тўғрисида яққол тасаввур беради.

Марказий ва маҳаллий матбуот, радио ва телевидениенинг кўпдан кўп материаллари, меҳнат коллективларида, ўқув юртлари ва мактабларда ўқилаётган лекциялар ва қилинаётган докладлар алломага бағишланмоқда. Олий ўқув юртларида унинг номидаги стипендиялар таъсис этилган. Мамлакат жамоатчилиги юбилейга атаб қилган ҳамма ишлар ал-Хоразмийга нисбатан астойдил умумхалқ иззат-икроми туйғуларини ифодалайди.

Юбилей арафаси даврида Хивадаги жаҳонга машҳур Ичонқалъа қўриқхонасидаги ёдгорликларни таъмирлаш соҳасида катта ишлар қилинди, бу ерда алломанинг 1200 йиллигига бағишланган бадиий виставка очилди.

Биз ҳаммамиз ал-Хоразмийнинг куни кеча Тошкентда тантанали равишда ажойиб ҳайкали очилиши маросимида қатнашдик. Урганчда, Хивада, олим номидаги совхозда ҳам унинг ҳайкаллари қурилди.

Ленин совет фани, шу жумладан замонавий илм-фаннинг кўпгина соҳаларида мамлакатимизнинг етакчи ўрин олишини таъминлаган ва унинг космосни забт этиш, атом кучини жиловлаш борасида, хўжалик ва техника соҳаларида улуғвор зафарларни амалга оширишда йўл очишига имкон берган математикани ривожлантиришнинг ҳамма эътироф этган энг юксак даражасига кўтарилиб олганлигимиз ал-Хоразмийга қўйган энг муаззам ҳайкалдир.

Мамлакатнинг барча қардош республикаларида бўлгани каби ал-Хоразмий ватани — Совет Ўрта Осиёсида, шу жумладан, Ўзбекистон ССРда ҳам фан ва техника юксак даражада ривож топди.

Республикамиз Совет Иттифоқининг жуда йирик иқтисодий, илмий ва маданий регионн бўлиб қолди. У қудратли илмий-техникавий потенциалга эгадир. Илмий-тадқиқот муассасаларида ва олий ўқув юртларида 37 мингдан кўпроқ илмий ва илмий-педагогик ходим меҳнат қилмоқда, улар орасида мингга яқин фан доктори ва 13 мингдан кўпроқ фан кандидати бор. Ўзбекистон олимларининг математика, электроника, геология, химия, генетика ва селекция, ядро физикаси, медицина, сейсмология, гуманитар фанлар соҳасидаги, автомат бошқарув системаларини яратиш борасидаги асарлари мамлакатимизда ва чет элларда кенг миқёсда эътироф қилинди.

Илмий тадқиқотларни ташкил этиш ва унинг ютуқларини халқ хўжалигига жорий қилиш соҳасида Ўзбекистон ССР Фанлар академияси жуда катта ва самарали ишлар қилмоқда ҳамда бу ишларни мувофиқлаштириб турибди. Улуғ Ватан уруши йилларида барпо этилган Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўзи ишлаб келаётган қирқ йил мобайнида ғоят қимматли тажриба орттирди, катта илмий марказга айланди, республика ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшиб турибди.

Эндиликда халқ хўжалигини планлаштириш ва бошқаришда иқтисодий-математик методлари ва электрон-ҳисоблаш техникаси кенг қўлланилмоқда. Республикада халқ хўжалигининг кўпчилик тармоқларини ўз ичига олувчи автомат бошқарув системасининг кенг тармоғи вужудга келтирилган. Бир қанча олий ўқув юртларида кибернетика профилидаги факультетлар бор.

Республикамизда СССР ва чет эл Шарқи халқларининг илмий тафаккури ҳамда маданияти тарихини ўрганиш юзасидан анчагина иш қилинмоқда. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида ардоқлаб сақланаётган Ўрта Осиё атоқли мутафаккирлари ва олимлари асарларининг кўпдан кўп қўлёзмалари шу тадқиқотларни ўтказиш учун қимматли негиз бўлиб хизмат қилмоқда. Бу институт коллективи СССР Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти билан мустаҳкам ҳамкорликда бош меросни ўрганиш устида самарали меҳнат қилмоқда. Бу ишда иттифоқ ва республика академияларининг бошқа институтлари актив қатнашиб, бир қанча монография ва коллектив тўпламлар нашр этишди.

Социалистик Ўзбекистон олимларининг ажойиб туркуми унинг олтин фонди ҳисобланади. Бу олимлар ўз кучлари ва истеъдодларини Ватанимизни янада равнақ топтириш учун курашга сарфламоқдалар. Улардан кўпларининг номлари республикадан бошқа жойларда ҳам машҳур бўлганлиги, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонига, Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофотига, Ватанимизнинг бошқа юксак мукофотларига сазовор бўлганликлари билан фахрланамиз.

Ал-Хоразмийнинг 1200 йиллигига бағишланган юбилей тантаналари вақт жиҳатидан республика ҳаётидаги бошқа бир шонли сана — Совет Иттифоқининг энг катта индустриал ва маданий марказларидан бири —Тошкентнинг 2000 йиллиги билан бир вақтга тўғри келганлиги қувончли воқеа бўлди. Бутун Ўзбекистон пойтахт юбилейини катта умумхалқ байрами сифатида нишонлади.

Шаҳар меҳнаткашларининг революцион ҳаракатдаги катта хизматлари, уларнинг Улуғ Ватан урушидаги ғалабага қўшган ҳиссаси, хўжалик ва маданий қурилишда эришган муваффақиятлари учун ҳамда асос солинганига 2000 йил тўлиши муносабати билан Тошкент шаҳри Ленин ордени билан мукофотланганлиги тўғрисидаги хушхабарни республика меҳнаткашлари завқ-шавқ билан кутиб олдилар.

Тошкентнинг юбилейига ва унга Ватаннинг олий мукофоти топширилишига бағишланиб куни кеча ўтказилган тантанали йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов ўзининг ёрқин нутқида шаҳар меҳнаткашларининг тарихий ғалабаларини, уларнинг партия режаларини амалга ошириш йўлидаги фидокорона курашини атрофлича ва чуқур ёритиб берди, пойтахт коммунистлари, барча меҳнатчиларнинг бундан буёнги жанговар иш программасини баён этди.

Тошкентнинг шитобли ривожланиши ва гуркираб равнақ топиши, 1966 йилги жуда кучли зилзиладан сўнг уни қайта тиклаш ва тубдан қайта қуриш афсонавий қаҳрамонномаси, унинг завод ва фабрикалари, ўқув юртлари ва илмий муассасалари, маданият саройлари ва театрлари, уй-жой кварталлари, проспектлари ва майдонлари, унинг бутун замонавий қиёфаси, энг муҳими эса — унинг одамлари, моддий ва маънавий бойликларнинг илҳомли ижодкорлари, эътиқодли ватанпарварлари ва интернационалистлари — мана шуларнинг ҳаммаси ривожланган социализмнинг нақд реаллигидир, партия ленинчи йўли амалга оширилишининг, унинг доно раҳбарлиги, совет халқлари улуғ қардошлигининг самарали меваларидир.

Тошкент босиб ўтган ажойиб йўл Улуғ Октябрнинг ғалабасидан кейин бутун Совет Ўзбекистонининг СССРдаги қардош суверен ва тенг ҳуқуқли республикалар оиласида босиб ўтган қаҳрамонона йўлидан ажралмасдир. Келгуси йили биз шонли сана — Ўзбекистон ССР билан Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигини нишонлаймиз. Тарихий жиҳатдан олганда, олтмиш йил жуда оз муддат. Бироқ эришилган ва курашиб қўлга киритилган ютуқларнинг миқёслари ҳамда улуғлиги жиҳатидан бу йиллар кўп асрларга тенгдир.

Ленин партияси раҳбарлигидаги барча Совет Ўрта Осиёси республикалари каби Ўзбекистон ҳам улуғ рус халқининг, мамлакатимиздаги барча қардош халқларнинг доимий қардошлик ёрдами туфайли Чор Россиясининг революциядан аввалги мустамлака чекка ўлкасидан қисқа муддатда феодал қолоқликни тугатиб, социал тараққиёт чўққилари сари шитобли парвоз қилди, жаҳоншумул-тарихий ютуқларга эришди ва ҳозирги кунда бутун дунёнинг кўз ўнгида юксак даражада ривожланган социалистик республика сифатида намоён бўлмоқда.

Замонавий саноат, унинг энг янги техника ва асбоб-ускуналар билан таъминланган корхоналари, қудратли қурилиш индустрияси, юксак даражада механизациялашган қишлоқ хўжалиги ва пахтачилик унинг етакчи тармоғи бўлиб қолганлиги, юксак даражадаги ирригация ва мелиорация, гуркираб ривож топган илғор маданият, фан, адабиёт ва санъат, партия ўстириб вояга етказган ишчилар синфи, деҳқонлар, халқ зиёлиларининг кўп сонли кадрлари, халқ оммаси баҳраманд бўлаётган буюк моддий неъматлар — мана шуларнинг ҳаммаси Совет Ўзбекистонининг қудратли, тинимсиз ривожланиб бораётган ишлаб чиқариш, фан-техника, маънавий ва социал потенциалини ташкил этади. Унинг экономикаси — яхлит иттифоқ халқ хўжалик комплексининг таркибий қисмидир. Бинобарин биз мамлакатдаги барча қардош республикалар каби бизнинг республикамиз ҳам Совет Иттифоқи экономикаси ва маданиятини юксалтиришга тобора кўпроқ ҳисса қўшаётганини англаб, ҳаққоний ифтихор туйғусига тўлиб тошмоқдамиз.

Бизнинг иш кунларимизда қардош республикаларнинг манфаатлари бир-бири билан тобора мустаҳкамлашиб бораётганини, уларнинг ўзаро ёрдами, ўзаро алоқалари тобора самарали тус олиб, Совет Иттифоқи миллатлари ва элатларининг бунёдкорлик куч-ғайратларини ягона бир ўзанга йўналтираётганини кўрсатувчи мисоллар жуда кўп. Мамлакатимиздаги ҳар бир социалистик миллатнинг ҳар томонлама ривожланиши уларнинг тобора кўпроқ ҳар томонлама равнақ топишига ва ўзаро яқинлашишига олиб бораверади.

Ал-Хоразмийнинг 1200 йиллиги ижодий куч-қувват ва оптимизм билан тўлиб тошган совет халқи КПСС XXVI съезди қарорларини, ўн биринчи беш йиллик — буюк коммунистик бунёдкорлик беш йиллиги учинчи йили планларини зўр ғайрат-шижоат билан амалга ошираётган кунларда, алоҳида эсда қоладиган пайтларда нишонланаётганлиги эътиборга сазовордир.

КПСС Марказий Комитетининг 1983 йил июнь Пленуми, ўртоқ Ю. В. Андроповнинг шу Пленумда сўзлаган ёрқин программавий нутқи, Пленумнинг идеологик, сиёсий-тарбиявий ишлар актуал масалаларига бағишланган қарорлари омманинг меҳнат ғайрати, ташаббусини ривожлантиришга ва онглилигига янги омил бахш этади ҳамда коммунистик жамият қуришда олға ҳаракат қилиш, янги ғалабаларга эришиш учун тўғри йўл кўрсатди.

(Давоми учинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН УЛУҒ АЛЛОМАНИ ШАРАФЛАМОҚДА

Н. Ж. ХУДОЙБЕРДИЕВ доклади

(Боши 1- ва 2-бетларда).

Ғоявий- тарбиявий иш партия билан халқнинг бирлигини мустаҳкамлашга, меҳнаткашларнинг коммунистик эътиқоди, сиёсий активлигини юксалтиришга, уларнинг ижодий куч-ғайратларини ривожлантиришга даъват этилган.

КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми таъкидлаганидек, туб халқ хўжалик проблемаларини ҳал этишга: ишлаб чиқаришни интенсивлашга, фан ва техника ютуқларини тезроқ жорий этишга, Озиқ-овқат ва энергетика программаларини амалга оширишга, мамлакатнинг ишлаб чиқариш потенциалидан оқилона фойдаланишни таъминлашга, меҳнат унумдорлигини юксалтиришга, интизом ва уюшқоқликни кучайтиришга ва шу асосда Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашга, халқ фаровонлигини ўстиришга, ҳамма чоралар билан ёрдам бериш пропаганда ва агитациянинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон меҳнаткашлари белгиланган мақсадлар сари дадил бормоқдалар, 1983 йилги ва умуман беш йилликдаги иқтисодий ва социал ривожлантириш планлари ҳамда эммага олинган социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажариш учун мусобақани тобора авж олдирмоқдалар.

Саноат маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш ҳажми жиҳатидан шу йилнинг 8 ойи топшириқларини оширib бажарди. Капитал қурилиш кўламлари анча ортди. Колхоз ва совхозлар бошоқли дон, пилла, чорвачилик маҳсулотлари ва бошқа маҳсулотлар етиштириш ҳамда тайёрлашда мамлакатни ахоли натижалар билан ҳурсанд қилдилар.

Ўзбекистон меҳнаткашлари юқори сифатли пахта етиштиришни ҳамма чоралар билан кўпайтиришни ўзларининг энг биринчи ватанпарварлик ва интернационал бурчлари деб ҳисоблаб келдилар ва ҳозир ҳам шундай деб ҳисоблайдилар. Сентябрнинг шу кунларида колхоз ва совхоз далаларида 6 миллион тонна «оқ олтин» учун умумхалқ кураши кенг кўлоч ёймоқда. Олдимизда катта, қийин ва тинғиз ишлар турибди. Бу ишлар юксак даражада уюшқоқликни, куч-қувватлар ва моддий-техник воситалардан мумкин қадар кўпроқ фойдаланишни талаб этади. Ўзбекистон меҳнаткашлари республика халқ хўжалиги олдида турган вазифаларни ҳал эта бориб, эришилган муваффақиятлар қаторида ҳали фойдаланилмаган резервлар, катта-катта проблемалар ва чала ишлар борлигини ҳам, шубҳасиз, яхши биладилар. Шунинг учун ишларни ташкил этишни бундан буён ҳам қатъиян яхшилаб бориш, ҳар бир участкада интизомни ҳамма чоралар билан мустаҳкамлаш, партиянинг бутун хўжалик фаолият даражасини юксалтириш йўлини муттасил амалга ошира бориш республиканинг кўп тармоқли халқ хўжалигини тўхтовсиз ишлайдиган, яхши йўлга қўйилган механизмга айлантириш устида ғайрат билан меҳнат қилиш муҳимдир.

Партиямизнинг ривожланган социализмни такомиллаштириш йўлини амалга оширишда коммунистик бунёдкорликда олға томон яна бир катта қадам қўйишга имкон беради, социалистик тузум афзалликларини янада яққол намойиш этади.

Ал-Хоразмий давридан бизни ўн икки аср ажратиб турибди. Ўша замонларга бизнинг хотирамизгина эмас, тошлар ҳам гувоҳлик беради. Лекин олимнинг юлдузи бугунги кунда ҳам биз учун чароғон бўлиб турибди. Атоқли мутафаккир доно ғояларининг нури ўрта асрлар зулматини ёриб ўтиб планета кишиларининг ҳозирги тараққиёт йўлларига знё бахш этмоқда.

Совет халқи, бутун дунё халқлари илмий жасорати ва буюк устозлик хизматлари учун ал-Хоразмийдан абадий миннатдордирлар. У ижодий жўшқинлик ва илмий тафаккур знёкорлигининг классик намунаси бўлгани ҳолда жаҳон фани ва маданиятининг ифтихори бўлиб келди ва ҳамиша шундай бўлиб қолади.

Ал-Хоразмий даҳоси инсониятнинг ажойиб зафарлари замирида яшамоқда ва тантана қилмоқда, у бугунги кунда ҳам янги жамият, бунёдкорларининг порлоқ келажак учун, халқларнинг тинчлиги ва озодлиги ҳамда ер юзида тараққиёт тантанаси учун курашчиларнинг ягона, жипслашган сафида биз билан бирга турибди.

(Давомли қарсаклар).

(Боши 1- ва 2-бетларда).

СССР Фанлар академияси табиётшунослик ва техника тарихий институтининг директори, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси **С. Р. Микулинский**, Қозоғистон ССР Фанлар академиясининг академиги **Ж. М. Абдильдин**, Озарбайжон ССР Фанлар академияси физика-техника ва математика фанлари бўлимининг академик секретари Озарбайжон ССР Фанлар академиясининг академиги Ф. Г. Мақсудов Ўрта аср Шарқи алломаси ижодий меросининг турли жиҳатлари тўғрисида, ал-Хоразмий ижодини ўрганиш билан боғлиқ катта тадқиқот ишлари тўғрисида гапирдилар.

Мажлисда сўзга чиққан ГДРлик профессор **Бурхардт Брентьес** шонли юбилейда иштирок этиш имконияти берилганлиги учун миннатдорчилик изҳор этиб ушбу юбилей илмий доиралар билан чекланиб қолмай умумхалқ тантанасидир, деди. Бу гап тўғри: олимлар тадқиқотчилик, шунингдек ижтимоий фаолиятнинг тор доираси билан чекланиб қолмасликлари керак. Ҳозир барча софдил кишилар олдида дунё ва Европага хавф солиб турган ядро уруши хавфига қарши курашдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ, деди Вена университетининг профессори **Хайиц Земанек**. Ернинг қайси бурчагида бўлмасин, алгоритм категорияси билан иш олиб борадиган киши шу яхши ниятли кишилар уруш бошлашга тайёргарлик кўраётган империализм кучларига қарши ягона фронт бўлиб чиқишлари керак. Одамлар меҳнат самараларини татиб кўришлари, ўз режаларини амалга оширишлари учун уларга тинчлик керак. Олим ал-Хоразмийнинг бутун илмий фаолияти тинчлик мақсадига хизмат қилганлигини таъкидлади. Ал-Хоразмий мероси ГДРда чуқур ўрганилмоқда.

Амстердам университетининг профессори **Эферт Брунис** ал-Хоразмийга бағишланган тантаналар халқаро тус олганлигини таъкидлаб, айни турли мамлакат олимлари дўстлиги ва ҳамкорлиги уларнинг ишларида муваффақиятни таъминламоқда, энг мураккаб илмий вазифаларни ҳал этишга ёрдам бермоқда, деди. У совет олимларининг, шу жумладан Ўзбекистон олимларининг Ўрта аср Шарқи буюк математиги ва мутафаккири меросини ўрганиш билан боғланган фаолиятларига юксак баҳо берди.

Тарихчи эмас, балки компьютерлар бўйича мутахассис-инженер бўлсамда, шу тантаналарда қатнашиш шарафига муяссар бўлганлигимдан ўзимни омадли деб ҳисоблайман, деди Вена университетининг профессори **Хайиц Земанек**. Ернинг қайси бурчагида бўлмасин, алгоритм категорияси билан иш олиб борадиган киши шу терминни айтар экан, жаҳонга ҳақиқатда буюк олимни берган Ўзбекистондаги жой номини билган ҳолда ёки билмай атайди. Саховатли диёр шундай кишиларни дунёдга келтиради. Бу ерда ўтказилган кунларимизда шу диёрнинг саховати, иззат-икроми ва меҳмондўстлигига қаноат ҳосил қилдик. 1966 йилги қаттиқ зилзиланинг эпицентри Тошкентда бўлган эди. Энди бўлса Тошкентнинг ўзи ҳамма кишиларга дўстлик ва самимият, яхши ният тилаш эпицентри бўлиб қолди.

АҚШдан келган профессор **Дэвид Кинг** юбилей тантаналарининг барча қатнашчиларига Нью-Йорк университетидаги ҳамкасбларидан қизғин салом ва энг яхши истакларини айтди. Дунёдаги вазият қай йўсинда бормасин олимлар мулоқатни камайтирмасликлари кераклигига биз қаттиқ ишонамиз, деди у. Аксинча, алоқаларни мустаҳкамлаш, ҳамкорликни ривожлантиришда ўрнак кўрсатиш керак. Илмий фикрлашишлар тадқиқотчиларнинг ўзлари учунгина эмас, шу билан бирга ўша тадқиқотчиларнинг мамлакатлари, халқлари учун ҳам зарурдир. Олим жаҳон фанининг ажойиб намояндасини қутлашга бағишланган юбилей тантаналарида қатнашишга таклиф этилганлиги, кўп мамлакатлардан келган ҳамкасблари билан учрашиш имконияти берилганлиги учун ташкилот комитетига чуқур миннатдорчилик изҳор этди.

Ғарбий Германиянинг Хейделберг шаҳридан келган профессор **Ивоикинг Долд-Самплонис** хоним ўз нутқида илмий конференция ва барча юбилей тантаналари муҳимлигини айтди. Ал-Хоразмий каби олимларнинг мероси бутун инсониятнинг мулкидир. Шу бебаҳо бойликни эъзозлаётганликлари учун совет кишилари, ўзбек халқи самимий ва чуқур миннатдорчиликка сазовордир. И. Долд-Самплонис шу юбилей, меҳмондўст Ўзбекистон диёридаги учрашувлар таассуроти остида ёзган шеърини ўқиб берди.

Ал-Хоразмий ижод этишига тўғри келган тарихий вазият нуқтаи назаридан қараганда, унинг қилган жасорати улуғворлиги алоҳида аҳамият касб этади, деб таъкидлашди мажлисда сўзга чиққанлар.

* * *

ШУ КУНИ Тошкентда ал-Хоразмийнинг 1200 йиллигига бағишланган илмий конференция очилди. Конференцияда совет олимлари билан бирга Австрия, Бельгия, Венгрия, Германия Демократик Республикаси, Нидерландия, АҚШ, ГФР, Чехословакиядан келган тадқиқотчилар иштирок этмоқдалар.

Конференция қомусчи олимнинг ватани — Урганчда давом эттирилади. (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ ТАРИХИДА УНУТИЛМАС КУНЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Комитетининг 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь Пленумларида, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг нутқларида ўртага қўйилган вазифалар муваффақиятли ҳал қилинишига ишонч туйғуси изҳор этилади. Ватаннинг юксак мукофоти — Ленин ордени берилганидан руҳланган шаҳар меҳнаткашлари, дейилади мурожаатномада, — партия билан ҳукуматнинг ишончини оқлашга, бутун кучни сарфлаб ишлашга, бу йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик учун белгиланган планлар ва социалистик мажбуриятларни тўла ҳамда оширib бажаришга азму қарор берганлар.

Стадионнинг ям-яшил гиламини яна томоша қатнашчилари тўлдирадилар. «Бизга тинчлик керак!» деган композиция байрамни давом эттиради. Унда Улуғ Ватан уруши, мамлакат барча халқларининг мустаҳкам қардошлиги алоҳида куч билан намоён бўлган воқеалар жонланади. Экранда «Она-Ватан чорлайди!» деган плакат тасвири пайдо бўлади. Фашист босқинчиларга қарши шиддатли олишувда ўзбекистонлик неча-неча жангчилар жонларини фидо қилдилар. Уларнинг жасорати мангу сўнмайди. Даҳшатли йилларда қаҳрамонлик мўъжизаларини кўрсатган, фронтларда ва мамлакат ичкарисида галабага замин яратган кишилар — уруш ва меҳнат ветеранлари тушган машиналар стадион йўлкаларига чиқади.

«Бахтли болалик» композицияси чиройли ва таъсирчан чиқди. Ўзбекистон пойтахтининг юзлаб ёш гражданлари томошабинларнинг қарсаклари садоси остида гимнастика машқларини, мультфильмлардан, эртаклардан эпизодлар ижро этишди. Кичкинтойларнинг ўрнига Тошкентнинг меҳнат резерви бўлган йигит ва қизлар чиқишди. Улар завод ва фабрика, пахта далаларида тошкентликларнинг меҳнатини шарафлашмоқда. Оммавий чиқишлар «Ҳосил байрами» билан якунланади.

Г. Свиридовнинг «Давр, олға!» фильмига ёзган музыкасидан фрагмент янграйди. Стадионда меҳнат жараёнининг рамзий ифодаси пайдо бўлади. Кейин бадиий фонда меҳнат рамзи — Уроқ ва Болға пайдо бўлади.

Музика тинади. Ватанимиз шаънига табрик сўзлари айтилади. Совет халқи, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси шарафланади.

Биз Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қурувчи комплекс бригада бошлиғи, Ленин ордени кавалери И. Йўлдошевдан байрам ҳақидаги таассуротларини сўзлаб беришни илтимос қилдик.

— Байрам қатнашчилари ниҳоятда гўзал манзараларни ифода этишди. Уларни самимий табриклайман, завқли томоша учун ташкилотчиларга раҳмат дейман. Ўйлайманки, барча тошкентликларга ва меҳмонларга «Пахтакор» стадионидаги томошалар маъқул бўлди.

Якун қилиб шуни айтиш керакки, Тошкентнинг 2000 йиллигига бағишланган байрам томошаларини тайёрлашда бадиий раҳбар ва бош режиссёр — РСФСР халқ артисти, Ленин комсомоли мукофотининг лауреати Б. Петров, сценарийчи Д. Генкин, байрамнинг бадиий рассоми А. Пастернак, шунингдек, балетмейстер, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими И. Исмоилов, бадиий фон режиссёри Л. Немчик, бадиий фон рассоми В. Соколов, спорт бўйича режиссёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган физкультура ва спорт ходими Т. Иброҳимов, театрлаштириш режиссёри — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист А. Раҳимов, байрам томошаларининг директори И. Эшпардаев ва бошқа ижодий ходимлар катта меҳнат қилишди.

М. ГОРБАЧЕВ.

● «Пахтакор» стадионида бадиий-спорт байрами.

Т. Каримов фотолари.

«ПАХТАКОР» — «ТОРПЕДО» (КУТАИСИ) — 2:1

Ўйиннинг биринчи тайми Тошкент командаси мухлисларини бироз ҳаяжонланишга мажбур қилди. Чунки, ташаббус пахтакорчилар қўлида бўлса ҳам тўпни улар биринчи бўлиб ўз дарвозаларидан ўтказиб юбордилар. Меҳмонларнинг навбатдаги ҳужумларидан бирида майдон эгалари ўйин қоидасини бузишга мажбур бўлдилар. Учрашув судьяси ўн бир метрли жарима тўпини белгилади. Меҳмонлар бу имкониятни қўлдан бой берганлари йўқ. Шундан сўнг пахтакорчилар ҳужумни янада кучайтирдилар. Кутаисиликлар дарвозаси олдида кетма-кет хавфли вазиятлар вужудга кела бошлади. Ҳужумлардан бирида Якубик ҳисобни тенглаштиришга муваффақ бўлди. Биринчи тайм 1:1 ҳисобн билан тугади.

Танаффусдан кейин ҳам ўйин характери ўзгаргани йўқ. Тошкентликларнинг ҳужумига торпедочилар ўткир қарши ҳужум билан жавоб бериб турдилар. Шуни айтиш керакки, улар бутун маҳоратларини сафарбар этиб ўйнадилар. 58-минутда «Пахтакор» командасининг етакчи ўйинчиси яна ўзини кўрсатди. У меҳмонлар дарвозасига иккинчи тўпни киритиб, пахтакорчиларни олдинга олиб чиқди — 2:1. Учрашув ана шу ҳисоб билан тугади. Энди «Пахтакор»нинг энг мерган ҳужумчиси А. Якубикнинг ҳисобидаги тўплар 15 тага етди.

Шундай қилиб чемпионатда 12-ғалабани қўлга киритган «Пахтакор» очколарини 33 тага етказиб, турнир жадвалида бешинчи поғонага кўтарилди. Ҳамшаҳарларимиз навбатдаги учрашувни 18 сентябрь куни Киевда маҳаллий динамочилар билан ўтказадилар.

ОЛИЙ ЛИГА

12 сентябрга бўлган аҳвол

	У	Ю	Д	М	Т—Н	О
«Днепр»	29	18	5	6	52—31	41
«Спартак»	28	15	8	5	50—18	38
«Зенит»	28	13	8	7	35—25	34
«Динамо» (МН)	27	13	7	7	40—28	33
«Пахтакор»	28	12	9	7	34—24	33
«Торпедо» (М)	28	11	10	7	32—27	32
«Шахтёр»	28	14	3	11	42—30	31
«Динамо» (К)	28	11	9	8	35—29	31
«Жальгирис»	28	11	9	8	27—32	31
«Черномо-рец»	28	12	5	11	34—39	29
МАСК	28	10	9	9	34—29	29
«Метал-лист»	28	10	5	13	35—28	25
«Нефтчи»	28	8	8	12	28—35	24
«Арарат»	28	10	4	14	25—39	24
«Динамо» (М)	27	7	9	11	23—28	23
«Динамо» (Тб)	27	7	6	14	36—43	20
«Торпедо» (Кт)	29	4	9	16	22—45	17
«Нистру»	29	3	3	23	18—62	

АССАЛОМ, ДЎСТЛИК ВА МУСИҚА БАЙРАМИ

ПОЙТАХТИМИЗДА «ТОШКЕНТНИНГ ОЛТИН КУЗИ» II БУТУНИТТИФОҚ САНЪАТ ФЕСТИВАЛИ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛДИ. БУ САНЪАТ БАЙРАМИ ЎЗБЕКИСТОН ПОЙТАХТИНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИ ВА УНИНГ ЛЕНИН ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАНИШИГА БАҒИШЛАНГАН.

МЕҲМОНЛАР ТОШКЕНТНИ ҚУТЛАМОҚДА

«Тошкентнинг олтин кузи» фестивали программаси ва унинг аҳамияти ҳақида Ўзбекистон ССР Маданият министрининг биринчи ўринбосари Ғ. Р. Умарбеков мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— «Тошкентнинг олтин кузи» фестивалини ўтказиш яхши анъанага айланмоқда. Мамлакатимизнинг турли бурчакларидан кўплаб меҳмонларни таклиф этган биринчи фестиваль республикамиз ва унинг пойтахти юбилейига, унинг Ленин ордени билан мукофотланишига бағишланган.

Образли қилиб айтганда Тошкентнинг, республиканинг ҳар бир кишиси қалбидаги ҳеч сўзсиз мамлакатимиз халқларининг миллий маданиятлари бойишига муносиб ҳисса қўшади, кўпмиллатли совет санъати тараққиётига янги ёркин саҳифа бўлиб қўшилади.

Бу галги байрам қатнашчилари орасида ўз санъатлари билан мамлакатимиздан ташқарида ҳам севимли ва машҳур бўлган ижодий коллективлар бор. ССР Иттифоқининг «Москва классик балети» Давлат концерт ансамбли, Осипов номидаги Давлат академик рус халқ оркестри, Молдавия ССРда хизмат кўрсатган «Флуераш» халқ музика оркестри, Тожикистон ССРнинг давлат хизмат кўрсатган «Лола» хореографик ансамбли, Белоруссия ССР Давлат халқ рақс ансамбли, Абхазия АССР «Шаратин» Давлат халқ рақс ансамбли, Озарбайжон ССР музика ансамбли, Украина ССРнинг ёшлар рақс ансамбли шулар жумласидандир.

Бу галги пойтахтимизга ўзига хос музика коллективи бўлган Давлат «Тримитас» чолғу ансамбли биринчи бор келди. Қозоғистон ССРнинг «Гульдер» эстрада ансамбли тошкентликлар ҳузурида оммабоп эстрада жанри санъатини намойиш этмоқда.

Мамлакатимизнинг машҳур хонандалари ҳам байрамга ташриф буюрган. Улар орасида Озарбайжондан ССР халқ артисти Л. Имонов, Қирғизистондан ССР халқ артисти Б. Минжилкиев, РСФСР халқ артисти Л. Власенко, Эстония ССРда хизмат кўрсатган артист Л. Теммель, шунингдек Арманистон, Латвия ва бошқа иттифоқдош республикалардан ҳам машҳур ижрочилар бор.

Байрамда Тошкентнинг санъат коллективлари ҳам актив иштирок этмоқда. Яқинда Карфаген халқаро фестивалининг олтин медали билан тақдирланган «Баҳор» ансамблига фестиваль программасидан муносиб ўрин берилган.

Бугун санъат байрами республика бўйлаб одим ташлади. Самарқанд ва Бухоро областларида, Навоий ва Нукусда, Ўзбекистоннинг бошқа кўпгина шаҳарларида «Тошкентнинг олтин кузи» фестивали қатнашчилари минг-минглаб томошабинлар ҳузурида ўз санъатини намойиш этади.

Бу санъат коллективлари Мирзачўл Қарши даштларини пахтакорлари ҳузурида, Бекобод металлургиялари, Туямўйин гидроузели ва Анжон сув омбори энергетиклари ва қурувчилари ҳузурида концертлар беради. Бир сўз билан айтганда фестиваль программаси ранг-барангдир. Республикамиз меҳнаткашлари бизнинг умумий байрамимиз қатнашчиларига чин қалбдан «Меҳмондўст Ўзбекистонга хуш келибсиз» дейишмоқда.

Редактор Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА

ТВ

12 СЕНТЯБРЬ — ДУШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

16.10 «Онамларнинг мактаби». 16.40 «Объектив». 17.10 «Билимимиз — қудратимиз». Телевизион журнал. 17.55 «Эфиопия бўйлаб». Кинокўрсатув. 18.25 «Меҳнатга яраша шараф ва шуҳрат». 18.55 «Футбол шарҳи». 19.30 П. И. Чайковский. «Ромео ва Жульетта». Увертюра-фантазия. 19.55 «Ўтни ўзимизга қаратамиз». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. О. Горчаков ва Я. Пшимановский повести асосида. 1-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Правда» нашриётининг Маданият уйида шоир Е. Долматовский билан учрашув. 23.35 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.45 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 19.45 Енгил атлетика бўйича Европа кубоги. Кўп кураш. Финал. Болгариядан олиб кўрсатилади. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Баскетбол бўйича Европа чемпионати. Хотин-қизлар. Швеция—СССР терма командалари. Венгриядан олиб кўрсатилади. 21.30 «Время». 22.05 В. Сергеев. «Кузнинг мафтункор кунлари». Телевизион спектакль. 23.15 ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН БАДИИЙ-СПОРТ БАЙРАМИ.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Тўс-тўполон». Қўғирчоқ фильм. 18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Бирга бўлсак ҳаммамиз» (рус.). 19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз — 80-йиллар комсомоллари». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари конференциясининг 25 йиллиги олдидан. «Хиросима фарёди». Адабий композиция. 20.15 «Рус тилида сўзлашайлик». Ҳужжатли фильм премьераси («Ўзбектелефильм»). 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси халқ чолғу оркестри ижроси учун Ўзбекистон композиторларининг ёзган янги асарлари. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 22.20 «Жиноят қидирув инспектори». Бадиий фильм. 23.45 Янгиликлар.

II

9.00—17.05 МТ II.

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Инсон нимаси билан қудратли». Телевизион фильм. 18.40 «Врач маслаҳати». 19.00 «Ойнинг ўттиз иккинчи куни». Телевизион фильм. 19.30 «Чўл водийси». Телевизион фильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Эртага — премьера». Кўрсатувни кинодраматург Ф. Мусажонов олиб боради. 21.30 МТ II.

13 СЕНТЯБРЬ — СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Мактаб ўқувчиларининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, «МЭЛЗ» ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесари Е. А. Власов билан учрашуви. 10.25 «Ўтни ўзимизга қаратамиз». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 11.55 «Буғулар доира бўйлаб боради». Ҳужжатли фильм премьераси. 12.15 Белгород-Днестр шаҳар Маданият саройи «Весёлка» украин халқ куйлари ансамблининг чиқиши. 12.40 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Ҳужжатжли фильмлар:

16.10 Г. Успенский асарлари саҳифаларида. 17.10 «Салом, болалар». СССР халқ ўқитувчиси Ю. С. Кашкин ҳақида телевизион очерк. 17.40 Дозовая станцияси локомотив депоси вокал ансамблининг чиқиши. 17.55 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». 18.25 «Стадион ҳамма учун». 18.55 РСФСР халқ артисти В. Городовская ва РСФСРда хизмат кўрсатган артист Н. Чеканова чалади (гусли). 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Мультфильм. 19.40 «Инсон ва қонун». 20.15 «Ўтни ўзимизга қаратамиз». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Нима? Қаерда? Қачон?» Телевизион викторина. 23.25 «Дунё воқеалари». 23.40 Балет ёш артистларининг концерти.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Объективда — жониворлар. Дромадерлар, бактерианлар». Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 Тарих. 5-синф. Санъат ва динга ишонишнинг пайдо бўлиши. 10.05 ва 13.50 Француз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Эстетик тарбия. Бошловчи кўрсатув. 11.35 ва 12.40 Музика. 3-синф. Рус халқ чолғу асбоблари. 11.55 «Мангу қарздор». Илмий-оммабоп фильм. 12.10 «Шахмат мактаби». 13.00 Физика. 7-синф. Табиатда ва техникада иссиқликни узатиш. 13.30 Табиатшунослик. 4-синф. Қуёш ва қуёш системаси. 14.20 Ж. Лондон. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 15.05 «Дарсга йўл». СССР халқ ўқитувчиси Я. Я. Вилмане ҳақида телевизион очерк. 15.35 «Қадимий санъат ёдгорликлари». 17.00 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Қишлоқ янгиликлари». 19.50 Баскетбол бўйича Европа чемпионати. Хотин-қизлар. Болгария — СССР терма командалари. Венгриядан олиб кўрсатилади. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Халқаро панорама». 21.30 «Время». 22.05 «Чили узра тун». Бадиий фильм. 23.45 Мотоспорт бўйича жаҳон чемпионати. Чехословакиядан олиб кўрсатилади.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Мушук Леопольднинг қасоси». Мультфильм. 18.20 «До-ре-ми-фа-соль». Мактаб ўқувчилари учун музикали-ўқув кўрсатуви. 18.50 «Асторономик кўчаси, 33». Кўрсатувда Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг академиги В. П.Шчеглов иштирок этади (рус.). 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Бир актёр театри. «Шарқ афсонаси». А. Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони асосида (рус.). 20.30 «Ахборот». 20.50 «Операда премьера...». И. Акбаровнинг «Наврўз» балети. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Хирмонингизга барака». 22.20 «Абай». Ҳамза номли Ўзбек Давлат Академик драма театрининг спектакли. 23.50 Янгиликлар.

II

9.00—17.05 МТ II.

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Шимол этюдлари». Телевизион фильм. 18.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Касбим — фахрим». 19.20 «Қаҳрабочалар». Фильм-концерт. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Совет давлати ва ҳукумати асослари. Социалистик жамиятда ҳуқуқ ва аҳлоқ. 20.50 «Советлар мамлакатининг кишилари». Кинопрограмма. 21 30 МТ II.

14 СЕНТЯБРЬ — ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Ўсмирлар ижоди». 10.20 «Ўтни ўзимизга қаратамиз». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 11.35 Ҳужжатли фильмлар. 12.10 «Композитор Евгений Жарковский қўшиқлари». Фильм-концерт. 12.40 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.15 «Байкал. Янги биография». Телевизион ҳужжатли фильм. 15.45 Тарих саҳифалари. «Шахсан даҳлдор...» Жанговар Қизил Байроқ орденлари учала даражасининг кавалери, артиллерия генерал-майори А. Ф. Сергеев иштирок этади.

16.30 «Меҳнат чораги сабоқлари». 17.00 Концерт. 17.30 «Керчнинг оловли йиллари». Телевизион ҳужжатли фильм. 18.00 «Горнчилар, қаердасиз!». 18.45 «Фан ва турмуш». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.35 «Спорт ҳафталиги». 20.05 «Ўтни ўзимизга қаратамиз». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 21.30 «Время». 22.00 Футбол бўйича Европа чемпионларининг кубоги. 1/16 финал. «Динамо» Минск) — «Грассхопперс» (Швейцария). Танаффус пайтида (22.45) —«Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Аргиш денгиз томон боради». Телевизион ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 Астрономия. 10-синф. Астрономиянинг асосий методлари. 10.05 ва 13.40 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун. 11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларга. Тарих. В. И. Ленин. «Коммуна хотираси». 11.35 ва 12.40 Умумий биология. 9-синф. Биология халқ хўжалигида. 12.05 «Ота-оналар, Сизлар учун». 13.10 Жамиятшунослик. КПСС XXVI съезди меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ҳақида. 14.10 «Сенинг ленинча кутубхонанг». «Марксизмнинг уч манбаи ва уч таркибий қисми». 14.40 А. Н. Островский. «Момақалдироқ». 15.25 Илмий-оммабоп фильм. 15.35 С. Маршак. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 17.00 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.45 Телевизион ҳужжатли фильм. 18.55 Баскетбол бўйича Европа чемпионати. Хотин-қизлар. ЧССР — СССР терма командалари. Венгриядан олиб кўрсатилади. 19.35 Узоқ Шарқ мюзик-холли артистларининг чиқиши. 20.00 «Сиз яратган боғ». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Сиз бунга қодирсиз». 21.30 «Время». 22.00 «Қорабайир изидан». Телевизион бадиий фильм. 23.15 Марказий телевидение ва Бутуниттифоқ радиоси академик катта хорининг концерти.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Билмасвой Қуёшли шаҳарда». Мультфильм. 12.10 «Совет Қорақалпоғистони бўйлаб». Телевизион киножурнал. 12.30 Рус адабиёти. Горький ва Ўзбекистон (рус.). 13.00 «Асов кема». Бадиий фильм.

18.30 Кўрсатувлар программаси. 18.35 Қорақалпоғистон АССР телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитети болалар хорининг концерти. 19.00 «Хабар». Информацион кўрсатув. 19.10 «Айкулаш». Фильм-концерт. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Бизнинг замондошимиз». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 ҚҚАССР санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Қорақалпоғистон шолиси». 22.10 ҚҚАССР санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг концерти (давоми). 23.00 М. Байжиев. «Суд маслаҳатга кетади». Қорақалпоғистон телевидениеси телевизион спектаклининг премьераси. 00.20 Кўрсатувлар программаси.

II

9.00—17.05 МТ II.

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 Болалар учун фильм. «Шундай ёқимтой бўрилар». 19.15 «Классик куй саҳифалари». 20.00 Янгиликлар. 20.20 Ўқитувчи экрани. Чет тили дарсларида ўйин ўқитиш воситаси сифатида. 20.50 «Яна бир бор Байкал ҳақида». Телевизион фильм. 21.00 «Янги урф-одатлар — ҳаётга!». 21.30 МТ II.

15 СЕНТЯБРЬ — ПАЙШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Горнчилар, қаердасиз!». 10.25 «Ўтни ўзимизга қаратамиз». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 11.45 «Қирғоқлик балиқчилар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 12.05 «Қалбга яқин қўшиқлар». 12.45 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Беш йиллик —ҳар биримизнинг ишимиз». Телевизион ҳужжатли фильмлар.

16.20 «Қувноқ стартлар». 17.05 Фан ва техника соҳасида Ленин комсомоли мукофотининг лауреатлари. 17.20 «Шахмат мактаби». Совет шахмат мактабида ворислик ҳақида. 17.50 «Кузги этюд». Кинолавҳа. 18.00 Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчиларининг VII конференцияси олдидан. 18.25 Болгар халқ рақслари. 19.00 «Расмларда қуёш акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Ҳовли тўйи». Қисқа метражли телевизион бадиий фильм. 20.00 Футбол. УЕФА кубоги. 1/32 финал. «Спартак» (Москва) —«Хик» (Финляндия). 2-тайм. 20.45 Футбол. УЕФА кубоги. 1/32 финал. «Динамо» (Киев) — «Лаваль»)Франция(. 2-тайм. 21.30 «Время». 22.05 «Ҳужжатли экран». 23.05 «Дунё воқеалари». 23.20 «Ромэн» триоси иштирокида музикали кўрсатув.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Кузги учрашувлар». Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 А. С. Пушкин. «Капитан қизи». 7-синф. 10.05 ва 13.35 Испан тили. 11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Астрономия. Астрономиянинг амалда қўлланилиши. 11.35 ва 12.40 Зоология. 7-синф. Ўргимчаксимонлар. 12.00 «Оналар мактаби». 12.30 «Бу магнитли, магнитли олам». Илмий-оммабоп фильм. 13.05 Тарих. 4-синф. Муз жанги. 14.05 А. Фадеев. «Ёш гвардия». 14.35 «Империянинг емирилиши». Бадиий фильм. Субтитр билан. 17.00 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Ҳаётга йўлланма». 19.15 Баскетбол бўйича Европа чемпионати. Хотин-қизлар. СССР — ГФР терма командалари. Венгриядан олиб кўрсатилади. 20.00 «Танишинг: чет эл цирки». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 Л. Зикина, Г. Хазанов, Н. Брегвадзе, А. Шуров ва Н. Рикунин, В. Гридин, «Россия» ансамбли иштирокида концерт. 21.30 «Время». 22.05 «Жиголо ва Жиголетта». Телевизион бадиий фильм. 22.45 СССР халқ артисти Е. Гоголева А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов, Н. В. Гоголь асарларини ўқийди.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 «Эллерхейн». Болалар учун фильм-концерт. 11.50 «Мўъжизалар оламига саёҳат» (рус.). 12.30 Зоология. Бўғиноёқлар типи. Умумий обзор. 13.00 «Жиноят қидирув инспектори». Бадиий фильм.

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Момақаймоқ». Мультфильм. «18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Маккажўхори— комсомол экини». 18.50 «Оталар ибрати — фарзандлар мероси». В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалидан репортаж. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари конференциясининг 25 йиллиги олдидан. «Тирик хотирот». 20.30 «Ахборот». 20.50 «Тоза қалб узра». Музикали программа. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Хирмонингизга барака». 22.20 «Телевидение экранида биринчи марта». «Қизил бодрезак». Бадиий фильм.

II

9.00—17.05 МТ II.

18.10 Кўрсатувлар программаси. 18.15 «Биографиянинг бошланиши». Телевизион фильм. 19.00 Ўқитувчилар учун консультация. 19.30 Реклама. 19.45 «Менинг ерим, менинг тақдирим». Телевизион фильм. 20.00 Янгиликлар. 20.25 «Цемент». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.). 21.30 МТ II.

16 СЕНТЯБРЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Айиқча уйғонганда», «Ҳамма гап шляпада», «Боцман ва тўти қуш». Мультфильмлар. 10.20 «Қувноқ стартлар». 11.05 «Саёҳатчилар клуби». 11.55 Халқаро конкурслар лауреати В. Ересько чалади (фортепьяно). 12.45 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 «Мексика билан учрашув». Киноочерк. 15.50 Гвадалахара шаҳар университети фольклор ансамблининг чиқиши (Мексика).

16.20 «Рус тили». 16.55 «Подмосковье қишлоғининг бугунги ва эртанги куни». 17.25 И. Брамс. Квартет. 3-сибемоль мажор. 18.05 «Ёшлар адреслари». 18.50 И. Кобзон куйлайди. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Пластилиндан ясалган қарға». Мультфильм. 19.40 «Халқ ижоди», Телевизион кўрсатув. 20.25 «Ўтни ўзимизга қаратамиз». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 21.30 «Время». 22.05 «Мелодия» магазинида конкурс». Фильм-концерт премьераси. 22.55 «Дунё воқеалари». 23.10 СССР халқ артисти И. Ильинский совет авторларининг асарларини ўқийди. 24.00 Ўт ўчириш-амалий спорти бўйича СССР чемпионати. Кишинёвдан олиб кўрсатилади.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Истеъдод ҳақида суҳбат». Телевизион ҳужжатли фильм. 9.35 ва 10.35 Тарих. 4-синф. Қадимий Киевда. 10.05 ва 14.30 Инглиз тили. 11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Умумий биология. 11.35 ва 12.40 Тарих. 7-синф. Ватанимиз территориясидаги қадимий давлатлар. 12.05 М. Муконин поэзияси. 13.10 Умумий биология. 9-синф. Ч. Дарвин қарашларининг шаклланиши. 13.40 А. М. Горький драматургияси. «Мешчанлар». 15.00 Қадимий рус санъати. 1-кўрсатув. 15.30 «Сен қонунни биласанми!» 17.00 Янгиликлар.

18.30 Янгиликлар. 18.45 Баскетбол бўйича Европа чемпионати. Хотин-қизлар. СССР —Италия терма командалари. Венгриядан олиб кўрсатилади. 19.25 Рус халқ қўшиқларини РСФСРда хизмат кўрсатган артист Е. Шаврина ижро этади. 19.40 «Саёҳатчилар клуби». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Камалак» Халқ ижодиёти ҳақидаги телевизион программаларнинг халқаро фестивали. «Менга узатиб юборинг» (Ирландия). 21.20 «Ветлуга». Телевизион ҳужжатли фильм. 21.30 «Время». 22.05 «Аревик». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

17.55 Кўрсатувлар программаси. 18.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Эстафета давом этади». 18.30 «СССР Медицина фанлари Академиясин инг сайёр сессияси қатнашчилари — бизнинг меҳмонимиз» (рус.). 19.00 «Нақадар гўзал куй бу...» Тошкент ва Чирчиқ бадиий ҳаваскорлик коллективларининг концерти. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Мақомчиларнинг Халқаро симпозиуми олдидан». Музикали кўрсатув. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.35 «Икки солдат қиссаси». Бадиий фильм. 23.55 Янгиликлар.

II

9.00—17.05 МТ II.

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Камалак» ижодкорлари». «Кубань—Россиянинг жавоҳири». Телевизион фильмлар. 19.00 Озиқ-овқат программаси — халқ фаровонлигининг асоси». 19.30 «Такси ҳайдовчилар». Телевизион фильм. 20.00 Янгиликлар. 20.25 «Цемент». Телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.). 21.30 МТ II.

17 СЕНТЯБРЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 «Спортлото»нинг 38-тиражи. 9.50 «Ўтни ўзимизга қаратамиз». Тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия. 10.55 «Чашмалар». 11.35 «Ота-оналар, Сизлар учун». 12.05 «Ҳаракат хавфсизлиги учун». 12.35 Телевизион ҳужжатли фильм. 13.30 Давлат «Виртуози Москвы» камер оркестрининг концерти. 14.15 «Бюракан меридиани». Арманистон ССР Фанлар Академиясининг президенти, Академик В. А. Амбарцумян ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 14.35 «Камалак» халқ ижодиёти ҳақидаги телевизион программаларнинг V халқаро фестивали. Жазоир халқ рақслари. 14.55 «Дунё воқеалари». 15.10 «Денгиз ҳикоялари». Бадиий фильм.

16.20 «Воркута». Ҳужжатли фильм премьераси. 16.35 Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати. 17.05 «Москва —Сан-Диеого—Калифорния». Кўрсатувда кинорежиссёрлар В. Грамматиков, А. Митта, Ф. Хитрук, ёзувчи А. Алексин иштирок этадилар. Кўрсатувни шарҳловчи В. Познер олиб боради. 18.00 «Рассомлар ҳақида ҳикоялари». СССР халқ рассоми Б. Иогансон. 18.30 «Ҳайвонот оламида». 19.30 «Спорт ҳаёти шунақа». Бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар (Англия). 21.30 «Время». 22.05 «Оловли марра». Музикали кўрсатув. 23.15 Янгиликлар. 23.20 «Т. Доронина ва унинг роллари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 Эрталабки гимнастика. 9.15 «Агар соғлом бўлай десанг». 9.30 «Тонгги почта» музикали программаси. 10.00 «Чин қалбдан». Донбас кончилари билан учрашув. 12.00 «Чолғучилар чолғу ҳақида». 13.00 «Поль Гоген». Етти серияли телевизион бадиий фильм премьераси (Франция). 4- ва 5-сериялар. 15.00 «Буюк халқ ҳақиқати». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм. 11-фильм. «Совет характери». 16.20 «Музикали киоск». 16.50 «Улар билан ёнма-ён боришни истайман...». Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, ёзувчи А. В. Чаковскийнинг ижоди ҳақида телевизион ҳужжатли фильм.

17.55 МУРМАНСК ТЕЛЕВИДЕНИЕ СТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 18.55 «Халқаро обзор». 19.10 Свердловск академик опера ва балет театри артистларининг концерти. 20.00 «Биз БАМни қурялмиз». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Здоровье». 21.30 «Время». 22.05 «Хотиним — буви». Телевизион бадиий фильм. 23.10 «Ўз баландлигинг». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси.

Ўзбекистон телевидениесининг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Мўъжизалар куни». Фильм-концерт. 10.35 «Кинoредакция почтасидан». 11.20 «Шахмат мактаби». 11.50 «ГАИ инспектори». Бадиий фильм. 13.10 «Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак». 13.40 Телевизион миниатюралар театри. 14.25 «Замандас». Қишлоқ хўжалиги ходимлари учун кўрсатув (қозоқ тилида).

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Мультфильмлар. 18.30 Болалар учун. «Қувноқлар даврасида». 19.00 «Сиҳат-саломатлик». Илмий-оммабоп программа. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Халқ хўжалигини бошқариш ва планлаштиришда кибернетиканинг роли» (рус.). 20.15 «Афшона —ибн Сино ватани». Телевизион фильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Рақслар гулдастаси». «Баҳор» ансамблининг солистлари иштирокида концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Республика шолипояларида». 22.20 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, кинорежиссёр Али Ҳамроев билан учрашув (рус.). 23.40 Кўрсатувлар программаси.

Тожикистон телевидениесининг программаси

9.00—17.55 МТ II.

18.25 Кўрсатувлар программаси. 18.30 «Бахтли болалик». 19.00 «Новости». 19.25 «Шеърият кечаси». 20.00 «Ахбор». 20.25 «Бир жиноят тарихи». Катталар учун мультфильм. 20.50 Концерт. 21.30 МТ II.

18 СЕНТЯБРЬ — ЯКШАНБА

ЎРМОН ХОДИМЛАРИ КУНИ

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.40 Ўрмон ходимлари кунига бағишланган ҳужжатли фильмлар. 10.20 «Будильник». 10.50 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!». 11.50 «Здоровье». 12.35 «Тонгги почта» музикали кўрсатуви. 13.05 «Қишлоқ янгиликлари». 14.05 «Музикали киоск». 14.35 «Дарвиш ва атиргул». Мультфильм. 14.45 «Амакимнинг туши». Ф. М. Достоевскийнинг шу номли повести асосида. Бош ролда СССР халқ артисти М. Прудкин.

18.30 «Халқаро панорама». 19.15 «Бугун — Ўрмон ходимлари куни». Кўрсатувда СССР Ўрмон, целлюлоза-қоғоз ва ёғочни қайта ишлаш саноати министри М. И. Бусыгин иштирок этади. 19.45 «Табрикларимизни қабул этинг». Ўрмон ходимлари кунига бағишланган концерт. 20.30 «Саёҳатчилар клуби». 21.30 «Время». 22.05 Волейбол бўйича Европа чемпионати. Хотин-қизлар. СССР — Румыния терма командалари. ГДРдан олиб кўрсатилади. 22.35 Баскетбол бўйича Европа чемпионати. Хотин-қизлар. Ярим финал. Венгриядан олиб кўрсатилади. 23.15 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Шахтёр» — «Днепр». 2-тайм. Донецкдан олиб кўрсатилади. 24.00 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

9.00 «Зарядкага сафланинг!». 9.15 Ҳунар-техника билим юртлари ҳақидаги энг яхши кўрсатувлар учун Бутуниттифоқ конкурси. «Ёқутистон тонглари» фольклор рақс ансамбли. 9.55 СССР халқлари ёзги VIII Спартакиадаси. Парашют спорти. 10.15 «Игорь Шамо қўшиқлари». 10.45 «Мебель индустрияси». Илмий-оммабоп фильм премьераси. 11.05 П. Егоров чалади (фортепьяно). 11.55 Ўрмон ходимлари кунига бағишланган ҳужжатли фильмлар. 12.55 «Асли болаликдан». В. Амлинский. «Зериктирмайдиган боғ». 13.35 «Синдикат-2». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 5-серия. 14.40 СССР халқ артисти М. Биешу куйлайди. 15.20 «Мен жониворларни яхши кўраман». Телевизион ҳужжатли фильм. 15.30 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». «Эрмитаж». 15-фильм. «XVIII аср иккинчи ярмида Франция санъати». 16.00 Хоккей бўйича СССР чемпионати. МАСК—«Сокол» В. И. Ленин номли Марказий стадионнинг Спорт саройидан олиб кўрсатилади. 18.15 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 19.15 «Экранда — кинокомедия». «Бахт». 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».21.15 Халқ куйлари. 21.30 «Время». 22.05 «Мистер Икс». Телевизион бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениенинг программаси

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «София — Тошкент». 11.30 «Ўзбекистон спорти». 12.00 «Қувноқ стартлар» — «Спортландия». 13.20 Болалар учун «Юлдузча». 13.50 «Қандай ажойиб йилларимиз». Бадиий фильм. 15.10 Реклама.

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Ўрмон эртаклари», «Сеҳрли қуш». Мультфильмлар. 18.30 Болалар учун концерт. 19.05 «Бугун — Ўрмон ходимлари куни». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Телевизион миниатюралар театри. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ёш ижрочилар концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Хирмонингизга барака». 22.20 «Назм ва наво». Увайсий лирикаси. 23.45 Кўрсатувлар программаси.

Қирғизистон телевидениесининг программаси

9.00—1600 МТ II.

16.30 Кўрсатувлар программаси. 16.35 Экран — болаларга. 17.00 «Келечек» болалар студияси кўрсатади. Концерт. 17.30 «Бугун —Ўрмон ходимлари куни». 18.00 Концерт. 18.30 Москва. «Халқаро панорама». 19.15 М. Авезов. Қора қиз». Уш область драма театрининг спектакли. 21.30 МТ II.

● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА ● РЕКЛАМА

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 13/IX да **Фауст.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 13/IX да **Олтин девор.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 12/IX да **Хотинимнинг эри.**

кино

12, 13 СЕНТЯБРЬ

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ОЛИЙ ТАБАҚАДАГИЛАР» — **Санъат саройи** (катта зал. 11.30, 14, 16.30, 19.10), **Чайка** (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 21.00; Телефон 77-06-20), **Фестиваль** (21.20, телефон 32-78.02), **Дружба** (11.00, 14.00, 17.00, 20.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.00; Телефон 66-15-75), **Москва** (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 21.00; Телефон 33-05-01), **Восток** 11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 21.00; Телефон 91-14-61), **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (11.00, 13.30, 16.00, 18.30, 21.00; Телефон 33-44-52).

«НИЗОМИЙ» — **Санъат саройи** (кичик зал. 12.00, 14.30, 17.00, 19.30; Телефон 44-21-74).

«ВАССА» — **Хива** (21.20, телефон 32-78.02), **Лисунов номли** (11.00, 14.00, 17.00, 20.00, телефон 96-34-02).

«ДМИТРИЙ II» — **Искра** (12.00, 15.00, 18.00, 21.00; Телефон 39-14.59).

«Пахтакор» кўнгилли қишлоқ спорт жамияти Тошкент район Советининг йўқолган
ДУМАЛОҚ ПЕЧАТИ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

КИЕВ ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИНИНГ ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИГА

имтиҳон сессиясига келаётган сиртдан ўқийдиган студентларни жойлаштириш учун

12 сентябрдан 15 октябргача бўлган муддатга

ТУРАР ЖОЙ КЕРАК.

Турар жой ҳақи студентлар билан келишувга биноан тўланади.

Таклиф билан қуйидаги адресга мурожаат қилинсин:

Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 77-уй. Телефонлар: 33-06-39, 33-47-13.

Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги 115-ўрта мактаб томонидан **Аҳмедов Тўлқин Иркинович** номига берилган 905614 номерли йўқолган
ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Хоразм область, Хива районидаги 4-ўрта мактаб томонидан **Ганиов Машириб** номига берилган 469435 номерли йўқолган
ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар Ленин районидаги 64-кечки ишчи ёшлар мактаби томонидан **Гиясов Асамуддин** номига берилган 011389 номерли йўқолган
ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

12, 13, 14, СЕНТЯБРЬ СОАТ 19.30 ДА

Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейига бағишланади

БУТУНИТТИФОҚ ПРОФЕССИОНАЛ БАДИИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР КЎРИГИ-КОНКУРСИ ДИПЛОМАНТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИН КОМСОМОЛИ МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ

ВОКАЛ — ХОРЕОГРАФИК «ЛАЗГИ» АНСАМБЛИНИНГ

БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Ортиқ ОТАЖОНОВ, Гулсара ЁҚУБОВА

Солистлар: Қўзибой ОТАЖОНОВ, Мавлуда ОЙНАҚУЛОВА, Ўктам АҲМЕДОВ, Фируза СОЛИҲОВА, Маъмуржон МАДВАЛИЕВ, Фируза МИРҲАМИДОВА, Нурилла ЖУМЁЗОВ, Раъно ЖУМАНИЁЗОВА **ва бошқалар.**

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Программани — Ўғилой ИБОДУЛЛАЕВА олиб боради.

«ЛАЗГИ» ансамблининг бадиий раҳбари — Ортиқ ОТАЖОНОВ.

Музика раҳбари — Асқарали ХИДИРОВ.

«Ўзбекконцерт»

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН

«ТОШКЕНТ ОЛТИН КУЗИ»

II БУТУНИТТИФОҚ САНЪАТ ФЕСТИВАЛИ

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

ССР ИТТИФОҚИ ДАВЛАТ КОНЦЕРТ АНСАМБЛИ «МОСКВА КЛАССИК БАЛЕТИ»НИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ

12 сентябрда 19.30 да
А. ПЕТРОВ.
«ОЛАМНИНГ ЯРАТИЛИШИ»
(2 кўринишли балет)

13 сентябрда 19.30 да
С. ПРОКОФЬЕВ
«РОМЕО ВА ЖУЛЬЕТТА ҲАҚИДА ҚИССА»
(3 қисмли хореографик фантазия)

14 сентябрда 19.30 да
БАЛЕТ ОҚШОМИ

15 сентябрда 19.30 да
А. ПЕТРОВ.
«ОЛАМИНИНГ ЯРАТИЛИШИ»
(2 кўринишли балет)

АНСАМБЛНИНГ БАДИИЙ РАҲБАРЛАРИ — РСФСРда хизмат кўрсатган артист, СССР Давлат мукофоти лауреати Н. КАСАТКИНА ва СССР Давлат мулофоти лауреати В. ВАСИЛЬЕВ.

Билетлар Я. М. Свердлов номли концерт залининг кассасида соат 15.00 дан башлаб сотилмоқда.

КОЛЛЕКТИВ БЎЛИБ КИРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар дорихоналар бошқармаси маъмурияти, партия ва касаба союз ташкилотлари 69-дорихона мудири Ф. А. Абдуллаев ва 88-дорихона мудири А. А. Абдуллаевга отаси

Абдурашид АБДУЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Ўзбекистон ССР Госпланининг ахборот-Ҳисоблаш маркази коллективи бўлим мудири Т. А. Қосимовга отаси

Азиз ҚОСИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги коллективи министрлик ишлаб чиқариш бўлими бош инженери Х. Ф. Мирзаевга отаси

Файзи МИРЗАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат университети ректорати, партия комитети ва химия факультети коллективи шу факультет катта ўқитувчиси О. Ҳолиқовага турмуш ўртоғи

Коммунал ҲОЛИҚОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

4 ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58.85; шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32.54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28.95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари—32-53.32; хатлар — 32-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32.78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

СЕНТЯБРЬ, 1983 й. Р—02152. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12